Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 74 (4472).
2 АПРЕЛЬ 1981 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА

ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Ўнинчи беш йиллик коллективимиз учун самарали бўлди. Чеварларимиз ҳар йили юксак натижаларга эришиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР касаба союзлари республика Совети ва республика ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлдан бермай келдилар. Ўтган беш йил мобайнида коллективимиз 63 миллион 995 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди, плондан ташқари савдо тармоқларига 2 миллион сўмликка яқин кенг истеъмол буюмлари етказиб берди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарори бирлашмамиз меҳнат аҳлининг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшиб юборди. Съездолди зарбдор меҳнат вахтасида юксак погонага кўтарилган меҳнат беллашувини тобора қизитаётган чеварларимиз шу кунларда эзгу ният билан меҳнат қилиб, тобора кўпроқ истеъмол буюмлари тайёрлашга интиляптилар.

Ўн биринчи беш йилликда бирлашма коллективи олдида жуда масъулиятли вазифалар турибди. Беш йил мобайнида 79 миллион 750 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишимиз керак. Бирғина шу йилнинг ўзида 14 миллион 850 минг сўмлик, давлат Сифат белгиси билан эса 750 минг сўмлик кийим-кечак буюмлари ишлаб чиқарамиз. Навбатдаги қарор бизни мусобақада актив иштирок этишга, ана шу кўзланган марраларни муддатидан илгари эгаллашга чорлайди.

З. ОРИПОВА,
«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси I-цехи тикувчиси.

• СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРАЙЛИК
• МЕҲНАТ БАЙРАМИ ЧОРЛАЙДИ

БУГУН

Бадний буюмлар фабрикасининг дўппидўзлик цехи коллективи йил бошидан бери 500 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилиб, йилнинг биринчи кварталини белгиланган топшириқни муддатидан аввал адо этди.

Цехда КПСС XXVI съездига тайёргарлик давридаги жадал меҳнат суръати ҳамон давом этаяпти. Бригадаларо мусобақада Ш. Қорабоева, Ҳ. Қосимова, Р. Мақсудова бош бўлган бригадаларнинг чеварлари бир чага намуна бўлишаяпти. Бу бригадалар йиллик меҳнат графигидан қарийб бир ҳафта илгарилиб кетишган.

Яқинда цехда дўппи тикаладиган икки игнали «803» классли юксак унумли махсус машина белгиланган муддатидан аввал ўрнатилди. Натижада чеварларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилишлари учун янада қулай шароит яратилди.

Бу йил цех коллективи жами 2 миллион 100 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, савдо тармоқларига тарқатади. Булар «Ироқи», «Нозик», «Маргилонча», «Чоргул» каби сифати харидорларга гоят манзур бўлган дўппилардир.

ЖАДАЛ СУРЪАТДА

Пойтахтимизнинг Фрунзе районидаги Абдуллаев кўчасида шу кунларда қурилиш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган Тошкент қурилиш Бош бошқармаси 153-трестига қарашли 39-бошқарманинг бригадалари замонавий архитектура талабларига жавоб берадиган турар-жой биноларини қурилишида жонбозлик кўрсатишмоқда. А. Мальков, З. Зайниддинов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаларининг ҳизмати, айниқса таҳсинга лойиқдир.

БУГУН

Ана шу қурилиш коллективлари мазкур кўчада 16 онлага мўлжалланган яна бир истиқомат масканини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. А. Мальков ва З. Зайниддинов бригадалари айни пайтда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи квартали ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Уларга 12-трестнинг пардозлаш бригадалари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Коммунистик меҳнат бригадалари, шунингдек Абдуллаев кўчасида 56 хонадонга мўлжалланган турар-жой биноси қурилишини жадал суръатда бошлаб юборишди.

ПАРДОЗЛАШ АВЖИДА

Пойтахтимизнинг Думбробод массивидаги кўкрак хирургияси институти комплексига киритувчи мажлислар залли ободончилик иншоотлари қурилишида сайкаллаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 2-пардозлаш тресги 48-бошқармасининг кўплаб пардозчи бригадалари мармар ва гранит қоплаш ишларини авж олдиришмоқда. Г. Ярушнин бошлиқ дурадгорлар, В. Германов ва Ю. Соколов бошчилигидаги мармар қопловчилар бригадалари юксак сифатли иш бажариш билан бирга смена топшириқларини ошириб адо этмоқда. Улар объектни муддатидан илгари—май ойига қадар фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

— Шаҳар марказида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг газета ротацияси биноси қурилишида иш олиб бораётган бошқармамиз бригадалари билан ўзаро мусобақалашиб ишлаётганлигимиз туфайли катта ютуқларни қўлга киритяпмиз,— деди прораб Р. Юнусов.

Тез орада кўкрак хирургияси институти яқинида республика кардиология маркази қурилиши ҳам бошлаб юборилади.

БРИГАДАНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИ

Тошкент қурилиш Бош бошқармаси, 4-трести 38-бошқармасида Турғун Раҳимов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи катта ҳурмат-эътиборга эга. Бригада яқинда Ж. Обидова кўчасида тўрт қаватли 32 онлага мўлжалланган турар-жой биносини қурилишини муддатидан илгари қуриб битказган эди. Айни кунларда қурувчилар КПСС XXVI съездн қарорларидан руҳланиб, зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар.

БУГУН

Мазкур бригада коллективи Ж. Обидова кўчасида яна бир турар-жой биносининг умумий қурилиш ишларини ниҳоясига етказди. Ушбу истиқомат масканн тўрт қаватли бўлиб, 60 хонадонга мўлжалланган дир. Бригада фаолиятида Злобин методи асосида меҳнат қилиш, айниқса, қўл келмоқда.

— Шуниси қувончлики, — дейди қурилиш бошқармаси бошлиғи Г. Трекусов, — яқинда Т. Раҳимов бригадаси ўн биринчи беш йилликнинг биринчи кварталини миқёсида ўтказилаётган социалистик мусобақа ғолиби деб топилди. Бу, ушбу коллективнинг партия съезди қарорларига амалий меҳнат билан жавоб бераётганининг ёрқин мисолидир.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. Ф. СОЛДАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Михаил Филиппович **Солдатов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ХАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1981 йил, 1 апрель.

18 апрель — коммунистик шанбалик куни

ИШЧИЛАР АҲДИ

Яқинда упа-элик фабрикасида ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективларининг 18 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиш бўйича бошлаган ташаббусларини қўллаб-қувватлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Минбарга кўтарилган Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати, прессчи Раъно Жалилова ўз ҳамкасб дугоналари номидан гапириб шундай деди:

— Ҳар йили В. И. Ленин туғилган кун шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш совет турмуш тарзининг ажойиб рамзи бўлиб қолди. Москвалик илғор саноат корхоналари коллективлари бошлаган ташаббусни баржонидил қўллаб-қувватлаймиз ва 18 апрель куни барвақт ишга чиқиб, смена топшириғини ортиғи билан адо этамиз. Ҳамма маҳсулотнинг аъло сифатда бўлишини таъминлаймиз.

Шундан кейин йиғилишда Тошкент шаҳар Советининг депутати, кадоқловчи Марҳамат Ҳўжаева, Ҳамза район Советининг депутати, картон идишлар тайёрловчи Насиба Сардиева ҳам гапириб, коммунистик шанбалик куни ғайрат билан меҳнат қилишга ваъда бердилар.

Корхонада шанбалик куни амалга ошириладиган тадбирлар кўпчиликка маълум қилинди. Шунга биноан коммунистик шанбаликда жами 690 киши қатнашади, 104 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхонанинг инженер-техник ходимлари, хизматчилари фабрика ҳовлисини ва унга туташ бўлган майдонларни ободонлаштириш билан шуғулланишади. Шанбалик куни 400 дарахт ва гул кўчати экилади, 300 погон метр суғориш шаҳобчалари тозаланади.

Шу куни топилган 1350 сўм иш ҳақи ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Анъанага содиқлик

Москва шаҳри меҳнаткашларининг доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 111 йиллигига бағишлаб 18 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиши ҳақидаги ташаббусини В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг геология факультети студентлари ва коллективи қўллаб — қувватламоқда. Шанбалик куни амалга ошириладиган юмушлар белгиланмоқда. Шанбалик штаби тузилди.

Шу куни 620 студент, 160 га яқин илмий, педагог, лаборант ва илмий ходимлар бевосита меҳнат постида бўлади. Ҳаммаси бўлиб 2000 сўмлик иш бажарилади. Шу куни 125 студент Собир Раҳимов районидаги қурилиш майдонларида ишлашади. Бундан ташқари кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади.

Ҳозирданоқ ҳар шанба куни факультетимиз студентлари ўзларига бириктирилган территорияни, яъни факультет ўқув корпуси атрофидаги майдонни ва университет маданият саройи ҳамда 1-ётоқхона атрофини тозалаш, дарахтлар танасини оқлаш, тагини юмшатиш, ариқ ва зовурларни тозалаш каби юмушларни бажармоқдалар. Шунингдек, студентлар кўплаб гул, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишмоқда. Ҳашар ишларида Н. Абраев, И. Турамуродов, Н. Абдуллаев, Ҳ. Абзалов, Ф. Умарова, Э. Қодирова, Х. Абдураҳмонова, М. Толипов каби оловқалб комсомоллар алоҳида ҳиммат кўрсатишаяпти.

А. НОРБОЕВ.

ЭЛГА МАНЗУР

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўртасида ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда.

СУРАТДА: корхона калава асослари тайёрлаш цехининг ёш ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Мамлакат Шокаримова. Илғор ишчи сменаойлик топшириқларини 120— 130 процентга етказиб адо этмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ҲАР БИР КУН ҒАНИМАТ

Куйбишев райони шаҳримиздаги энг кўкаламзор районлардан бири ҳисобланади. Бунда район меҳнат коллективлари, студент ва ўқувчиларининг ҳиссаси катта. Уларнинг ёрдамида кўплаб хиёбонлар ташкил қилинмоқда. Бу сафарги ойликка ҳам район меҳнаткашлари актив киришишди. Анъанага кўра корхона ва ташкилотларда, ўқув юртларида оммавий ҳашарлар бўлиб ўтмоқда.

— Ўтган ойда 37 минг туп дарахт, 61 минг дона гул ўтказилиб, 325 минг метр ирригация шаҳобчалари тозаланди, турар-жой массивларида жуда кўп ободончилик ишлари олиб борилди,— дейди шаҳар штабининг навбатдаги йиғилишида сўзга чиққан Куйбишев район ижроия комитети раиси О. С. Расулов.

Шаҳар штаби йиғилишида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича районда жуда кўп ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Бунда олий миллиция мактаби, район қозонхоналар корхонаси, гидромелиоратив техникум, 57-қунар-техника билим юрти коллективлари актив иштирок этишди. Луначарский бозори мавсумга тахт қилиб қўйилди. 75-озиқ-овқат магазини хизматчиларининг ишлари диққатга сазовор. Бу ерда икки ойликда бажариладиган ишлар планни тузиб чиқилган, магазин атрофидаги ирригация шаҳобчалари ремонтдан чиқарилиб, бинолар тўла ремонт қилинган.

Афсус, ҳалигача 1-экспериментал механика заводининг территориясида чиқиндилар уюлиб ётибди, ирригация шаҳобчалари тозаланмаган.

Умумий овқатланиш корхоналарининг баъзи объектларида озодаргарчиликка аҳамият берилмаётир. Санитария милициясн ҳизматчилари 5, 6, 16-ошхоналарда озодагарчилик қўпол равишда бузилаётганлигини қайд этишди. Наҳотки район умумий овқатланиш корхоналари раҳбарлари шаҳримизда олиб борилаётган икки ойликдан бехабар бўлсалар.

— Райондаги баъзи корхона ва ўқув юртларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари оқсамоқда,—деди ўз нутқида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов.— Икки ойлик ҳадемай якунланади. Район меҳнаткашлари ҳаво очиқ келган кунлардан оқилона фойдаланиб, турар жой массивларида, кўча ва майдонларда намунали тартиб ўрнатишлари керак. Микрорайонлардаги йўлкалар ремонтдан чиқарилиб, чироқлар, гаражлар тартибга келтирилиши лозим.

Штаб йиғилишида шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармаларининг икки ойликда қандай иштирок этаётганлиги ҳам кўрилди.

Штаб йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Ҳалилов иштирок этди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 1 апрель куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларида янада ривожлантирилган ленинча йўлни, партия Марказий Комитетининг Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини оширишга, халқ фаровонлигини юксалтиришга, етук социализм жамиятини маънавий равнақ топтиришга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган амалий фаолиятини астойдил маъқуллаётганликларини яқдилик билан изҳор қилдилар.

Мажлис ҳақидаги батафсил ҳисобот бугун тонгги газеталарда эълон қилинган.

КОНКУРС БОШЛАНДИ

БУГУН

Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясини н н г катта залида Ўзбекистон вокалистларининг II республика конкурси бошланди.

Бу санъат ва маҳорат намойишига республикамизнинг турли областларидан ёқимли овоз соҳиблари таклиф этилган. Конкурс қатнашчилари асосан ёшлар бўлиб, улар жаҳон, рус, совет ҳамда Ўзбекистон композиторларининг басталаган музикалари бўйича қўшиқларни ижро этадилар.

Шу консерваторияда таълим олган ва олаётган ёш талантлардан Ольга Сирожиева, Галина Азимова, Жумабой Аҳмедов, Хирож Бакаев ва бошқалар ҳам конкурсда маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Конкурс 5 апрелда якунланади.

● Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин

АҲОЛИ КЎМАГИДА

Ленин районидаги Сариқўл маҳалласи аҳолиси ободонлаштириш икки ойлигида фаол иштирок этяпти. Манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, сув шахобчаларини тозалаш яқин йўлга қўйилган. Куни кеча маҳаллада ҳашар ўтказилди. Новий путь, Лазо кўчалари, Гайдар проезди тозаланиб, чиқиндилар шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди.

Ҳозирги кунда маҳалла марказида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчилар хотираси учун ёдгорлик ўрнатилмоқда. 8-қурилиш трестининг 4-қурилиш бошқармаси ишчилари ёдгорликнинг бетон ишларини тугатиш арафасидалар. Маҳалла аҳли баландлиги 4 ярим метр, узунлиги 13 метрга яқин бўлган ёдгорлик атрофини кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришяпти.

— Ободонлаштириш ойлиги даврида яна 450 туп манзарали дарахт, 500 туп яшил тўсиқ ўтқазишимиз керак, — дейди маҳалла комитетининг раиси Н. Абдураззоқов. — Бу ишларни аҳоли кўмагида бажариб, маҳалламизни энг обод маҳаллалардан бирига айлантириш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдамиз.



Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик Катта театри олдидаги майдон тобора чирой очяпти. Ушбу суратда ана шу майдондаги хиёбонларга дарахт кўчатлари ўтқазиш акс эттирилган. М. Нуриддинов фотоси.

Пойтахт музейларида

ҚИЗИҚАРЛИ СУҲБАТЛАР

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди муносабати билан очилган лекторийда пролетариатнинг улуғ доҳийси В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти тўғрисида, партия буюк арбоблари, инқилоб комиссарларининг ҳаёти тўғрисида сермазмун лекция ва машғулотлар ўтказилмоқда. Бу машғулотларда доҳий ва Улуғ Октябрь социалистик революцияси даврида совет комиссарларининг кўрсатган жонбозликлари, дастлабки беш йилликларда совет меҳнаткашлари қўлга киритган улкан ютуқлар, партия съездлари ҳақида мазмунли суҳбатлар бўлиб, қизиқарли кинофильмлар намойиш қилинмоқда.

Ана шундай сермазмун машғулотлардан бири музейда яқинда ўтказилди.

«КПСС XXVI съезди материаллари» номи билан ўтказилган ушбу машғулотда музей илмий ходимлари Асосий йўналишларнинг турли соҳалари ҳақида гапирдилар, жонажон партиямизнинг иқтисодий сиёсатини чин дилдан қўллаб-қувватлаб, унинг жамиятимиз тараққиётидаги катта тарихий аҳамияти хусусида сўзладилар.

— Бундай машғулотлар, — дейди музей лекторлар группаси раҳбари М. Шохалилов, — музейимизда яхши анъанага айланиб қолди. Музейимиз зиёратчилари ҳам бу машғулотларда иштирок этишиб, ундан катта таассуротлар олишмоқда.

ЯНГИ ЛОЙИҲА

Шаҳримиздаги Бутуниттифоқ «Гипроцирис» институти коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини шараф билан бажармоқда. Маълумки, съезд материалларида суғоришнинг энг мукаммал ва кулай йўлларини ишлаб чиқиш масалалари ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Институт ходимлари шу кунларда партия қарорларига жон-дилдан жавоб бериб, иштиёқ билан меҳнат қилмоқдалар. Ерларни суғоришнинг янги-янги лойиҳалари бу ерда муваффақият билан ишлаб чиқилиб, такомиллаштирилмоқда.

БУГУН

Институт коллективи ана шундай лойиҳалардан набатдагисини ишлаб чиқди. Съезд делегати Қозоғистон ССРнинг Чимкент области учун мўлжалланган ушбу лойиҳанинг яратилишига институт филиали директори Г. И. Ильяшенко раҳбарлик қилди. Мазкур лойиҳа асосида бажариладиган ишлар натижасида қўшни областнинг Киров, Пахтаорол. Еттисой районлари ерлари суғорилиши яхшиланади.

● Тошкент — мамлакатга

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ УЧУН

Тошкент подшипник. лар ремонти заводи ишчилари шу кунларда «Зарбдор меҳнатимиз— КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришга» шиори остида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Съезд қарорлари шарафига социалистик мусобақани қизитиб юборган завод коллективи йиллик план топшириқларини 105—110 процент ортиғи билан адо этмоқда.

Завод кўпгина қардош республикалар ҳамда шаҳар ва областларга ҳам ўз маҳсулотларини жўнатади.

БУГУН

ЗАВОД РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ КОМИ АВТОНОМ РЕСПУБЛИКАСИ БУЮРТМАЧИЛАРИГА 2000 ДОНА ПОДШИПНИК ЖЎНАТАДИ.

— Ой охиригача, — дейди таъминот бўлимининг бошлиғи Р. Фатхулина, — Красноярск, Тюмень областлари буюртмачиларига ҳам 2000 донадан зиёд подшипник юборилади.

ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида жаҳон тасвирий санъатининг йирик намойидалари хаёти ва ижодиётига бағишланган лекция машғулотлари кўплаб санъат ишқибозларининг катта эътиборига сазовор бўлмоқда. Бу борада айниқса, музейда очилган тасвирий санъат лекторийси ибратли тадбирларни амалга оширмоқда. Ана шу лекторий лекцилар туркумининг янги программасини тузиб чиқди. «XV — XIX асрлар ғарбий Европа санъатининг атоқли намояндалари» деб аталадиган ушбу туркум Рембрандт, Ван Рейн, Рафаэл Санти, Микеланжело, Буонарроти, Тициан Вечелли, Никола Пуссен каби буюк рассомларнинг ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи лекциялардан иборат.

Ушбу лекцияларни музей илмий ходимлари ўқишади. Бу ерга келувчиларга шунингдек, санъат ҳақидаги ҳужжатли кинолентлар ҳам намойиш қилинади.

телетайп лентасидан

● **ХАНОЙ.** Вьетнам пойтахтининг қоқ марказида давлат фармацевтика ва фармакология илмий-тадқиқот институтининг янги кўп қаватли корпуслари қад ростлади. Республиканинг энг йирик илмий марказ янги биноларининг қуриб битказилиши билан ўзининг йигирма йиллигини нишонлади.

Институтимиз фаолиятининг асосий йўналиши, деди илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Фам Зюи Май ТАСС мухбирига, мамлакатимиздаги шифобахш гиёҳлар ва ўт-ўланларнинг минглаб турларини тадқиқ қилиш ва систематлаштиришдан, янги дорилар ва препаратларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборатдир. Ҳозир бу ерда салкам 20 нафар медицина фанлари докторлари ва кандидатлари ишлаб турибди. Институт ташкил этилганидан буён ўтган йиллар мобайнида коллектив доривор ўсимликларнинг 1.200 га яқин турини тадқиқ қилди ва халқ соғлиғини сақлашда фойдаланиш учун тавсия этди. Ана шу ишлар асосида қарийб 400 та медицина препарати яратилди. Илгари Вьетнам территориясида ўсмайдиган бир қанча қимматли ўсимликлар плантациясини ҳам барпо этишга эришилди.

● **ВАШИНГТОН.** АҚШда жиноятчиликнинг гоят кўпайганлиги Америка маъмурларини ташвишга солмоқда. Юстиция министри У Смит мамлакатда жиноятчиликнинг кўпайишига қарши кураш борасида ошишлинч тадбирлар ишлаб чиқиш учун ўз қарамоғидаги маҳкама доирасида махсус группа тузилажагини эълон қилди. У кейинги ўн йил ичидагина гоят хавфли жиноятлар сони 59 процент кўпайганлигини таъкидлади. Федерал текширув бюросининг дастлабки маълумотларига кўра ўтган йил бундай жиноятлар 1979 йилдагига нисбатан 11 процент кўпайган. Министрнинг айтишича, ҳар йили 30 процентдан ортиқ америкалик жиноятчилар қурбони бўлмоқда.

● **РАНГУН.** Бирмада саводсизликни тугатиш ёзги кампанияси бошланди, Етти мингдан ортиқ студент кўнгилли ўқитувчилар бригадасига ёзилди. Улар ёзги каникул вақтида республиканинг 33 районида очиладиган кечки курсларда дарс берадилар.

Бирмада ҳокимият тепасига революцион кенгаш 1962 йилда келгач, бундай кампаниялар умуммиллий тус олди. Шу давр ичида 1,2 миллиондан ортиқ ишчи савод чиқарди.

(ТАСС).

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ГАЗ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БИРЛАШМАЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎГРИСИДА

Ўнинчи беш йиллик план-топшириқларини ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлар учун **мукофотлансин:**

ЎЗБЕКИСТОН ССРдан ТОШКЕНТ ШАҲРИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Бўтабоев Тоҳир Абдукодирович — «Ташгаз» бирлашмасининг баллон тўлдирувчиси.

Кузьмина Маргарита Владимировна — «Узбекгазмаш» бирлашмасининг штамповкачиси.

Панкратов Виктор Филиппович — «Узбекгазстрой» трестининг бош инженери.

Тё Владимир — «Узбектрансгаз» бирлашмасининг бош инженери.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Пешков Юрий Алексеевич— «Ташоблгаз» бирлашмасининг бош инженери.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Иброҳимов Турғун Иброҳимович — «Узгипрогаз» институтининг бўлим бошлиғи.

Кириленко Виктор Николаевич— «Узгипрогаз» институтининг бош инженери.

Крук Лейзер Шмулёвич— «Союзузбекгазпром» бирлашмасининг бўлим бошлиги.

Ҳасанов Талгат Рифгатович— «СредазНИИгаз» институтининг лаборатория мудири.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Бахромов Сайфулла Абдуллаевич— «Союзузбекгазпром» бирлашмаси «Узоргэнергогаз» бошқармасининг созловчилар бригадири.

Бектемиров Икматулла Матфулаевич — «Узбекгазмаш» бирлашмасининг мастери.

Коршилова Мария Васильевна— «Ташгаз» бирлашмасининг слесари.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Абдусапи Шарипович— «Ташгаз» бирлашмасининг слесари.

Исмайлов Талгат Абдул-Мугитович — «Узбекгазификация» трести Тошкент қурилиш-монтаж бошқармасининг электр-пайвандчиси.

Карпов Виктор Спиридонович — «Союзузбекгазпром» бирлашмаси «Узоргэнергогаз» бошқармасининг монтажчилар бригадири.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН»

Габитова Фарида Солиховна — «Союзузбекгазпром» бирлашмаси «Узоргэнергогаз» бошқармасининг созловчиси.

Ефимов Николай Владимирович — «Средазгазавтоматика» Ўрта Осиё экспериментал заводининг токари.

Иноғомов Маҳамаджон Икромович— нефть ва газ саноати ходимлари касаба союзлари республика комитетининг бош техник инспектори.

Мадаминов Маҳмуд Парпиевич— «Ташгаз» бирлашмаси автотранспорт корхонасининг шофери.

Тошпўлатов Ренат Шоаҳмедович — «Узбекгазмаш» бирлашмасининг асбобсоз слесари.

Шумигай Владимир Петрович — «Средазгазавтоматика» Ўрта Осиё экспериментал заводининг слесари.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 2 март 1981 йил.

СУРАТДА: «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг зарбдор ишчиси Хадича Умарована нўриб турибсиз. Коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга сазовор бўлган бу ишчан аёл шу кунларда 1983 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

И. Шоиногомов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ТУБ ЎЗГАРТИШЛАР

ВЕНА. Австрия коммунистик партиясининг раиси Ф. Мури ҳукуматнинг социал-иқтисодий сиёсатини кескин танқид қилди. У Венада нутқ сўзлаб, бундай сиёсат жиддий кризисларга, пулнинг доимо қадрсизланишига ва иш жойининг камайишига олиб келади, деб таъкидлади. Ҳукуматнинг янги иқтисодий программаси биринчи навбатда халқаро монополияларнинг ва маҳаллий йирик капиталнинг манфаатларини таъминлашга қаратилгандир.

Муттасил ортиб бораётган мушкулотлар ва ҳал этилмаган проблемалар, деб таъкидлади Ф. Мури, мамлакатнинг иқтисодий йўлида туб ўзгартишлар қилиш зарурлигини яққол кўрсатиб турибди. Бундай ўзгартишлар антикапиталистик характерда бўлиб, уларга ишчи ва хизматчиларнинг, Австрия барча меҳнаткашларининг биргалигидаги кураши йўли билангина эришиш мумкин.

ҚАТТИҚ ТАНҚИД

ЛОНДОН. Бу ерда инглиз иқтисодчи олимлари нуфузли группасининг махсус баёноти эълон қилинди. Баёнотда мамлакат ҳозирги консерватив ҳукуматининг иқтисодий сиёсати қаттиқ танқид қилинади. Англиянинг турли университетларидан бўлган 364 экономист баёнотга имзо қўйишган.

Ҳозирги иқтисодий йўл, дейилади ҳужжатда, мамлакатда иқтисодий таназзулни яна ҳам чуқурлаштириб, саноат базасини вайрон қилади. Буюк Британияда социал ва сиёсий барқарорликни хавф остида қолдиради.

Ҳозирги вақтда ана шу йўл Англияда ишсизлар сонини 2,5 миллион кишига яқинлаштириб қўйди. Мамлакатнинг машинасозлик, автомобилсозлик, кемасозлик, металлургия каби етакчи саноат тармоқлари ва бошқа кўпгина тармоқлар қаттиқ кризисга учраган.

«Англия университетларидаги экономистларнинг кўпчилиги, — деб уқтиришади олимлар, — ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатини нотўғри деб ҳисобламоқдалар».

МИЛИТАРИСТИК ТЕЛБАЛИК

НЬЮ-ЙОРК. Хатарли қуролланиш пойгасини кучайтириш йўлидан бораётган Вашингтон маъмуриятининг милитаристик сиёсати Америка жамоатчилигининг тобора кўпроқ қаршилигига дуч келмоқда. Америка ёзувчиси ва таниқли жамоат арбоби Мэри Эллен Донованнинг «Нью-Йорк таймс» газетасида эълон қилинган мақоласи ана шундан далолат беради. Тинчликни сақлаб қолиш ва урушнинг олдини олиш, деб ёзади у, планетамизнинг келажаги билан боғлиқ бўлган гоят муҳим масаладир. АҚШ маъмуриятининг агрессив сиёсатга қарши, Пентагоннинг гоят катта бюджетга қисқартирилиши ва қуролланиш пойгаси тўхтатилиши учун қатъиян курашаётган кўпгина америкаликлар ҳам буни яхши тушунадилар. Кейинги ҳафталарда АҚШ шиноли—шарқидаги кўпгина шаҳарларда ўтказилган муниципал йиғилишларда қабул қилинган резолюциялар, деб таъкидлайди автор, мамлакатда урушга қарши кайфият ўсаётганлигини, АҚШ ҳукуматининг милитаристик сиёсатини танқид қилиш кучайиб бораётганлигини кўрсатувчи мисол бўла олади. Афсуски, деб уқтиришади мақолада, президент Рейган АҚШ жамоатчилигининг овозига қулоқ солишни истамаяпти ва ядро қуролларини кўпайтиришдан иборат хатарли сиёсатини давом эттирмоқда. Шу боисдан, деб давом қилади Донован, вақт ганимат да америкаликлар зўр катъият билан: қуролланиш пойгасига пул ирроф қилиш тўхтатилсин, милитаристик телбаликка чек қўйилсин, деб айтишлари керак.

К. ВАЛЬДХАЙМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

КУВАЙТ. БМТ Бош секретари К. Вальдхайм Яқин Шарқ танглигини адолатли ҳал этишга қаратилган совет танглик ташаббусини қўллаб-қувватлашини айтди.

У Кувайтда чиқадиган «Аррай олам» газетасининг мухбири билан суҳбатда таъкидладики, Л. И. Брежневнинг Яқин Шарққа доир халқаро конференция чақириш тўғрисидаги таклифи жуда муҳим бўлиб, гоят чуқур ўрганишга мувосиб таклифдир.

К. Вальдхайм қайд этганидек, ер курраси-нинг шу районида мустаҳкам тинчлик Исроил қўшинларини босиб олинган барча араб территорияларидан батамом олиб чиқиб кетилган ва Фаластин араб халқининг дахлсиз миллий ҳуқуқлари амалга оширилган тақдирдагина таъминланиши мумкин. БМТ Бош секретари Яқин Шарқдаги вазият яна ҳам мураккаб ва қалтис бўлиб қолиши мумкин, деб жиддий ташвиш билдирди ҳамда жаҳон ҳамжамиятини Араб — Исроил танглигини тезроқ бартараф этишга ва регионда тинчлик ўрнатишга куч-ғайратларини сарфлашга даъват этди.

К. Вальдхайм ер юзининг Форс кўрфази зонаси каби муҳим районида тинчликни сақлаб қолиш зарурлигини таъкидлади ва ҳарбий кучларни кўпайтиришга ушбу регион хавфсизлиги манфаатларига хизмат қилмайди деб ишонч билдирди.

БИРЛИККА ДАЪВАТ

КАМПАЛА. Уганда президенти М. Оботе мамлакат аҳолисини кенг халқ оммасининг манфаатларини кўзлаб, миллий бирликни мустаҳкамлашга даъват этди. У Сороти шаҳрида ўтказилган оммавий митинг қатнашчиларига мурожаат қилиб, Уганда ҳукуматининг экономикани тиклаш ва мамлакатда турмушни нормаллаштириш йўлидаги кўч-ғайратлари қўшоруви кучларининг қаттиқ қаршилигига дуч келаётганлигини қайд этди. Ана шу увсурлар сиёсий вазиятни мушкуллаштиришга ҳаракат қилиб, қурол ишлатишдан, тинч гражданларга ҳужум қилишдан ҳам тап тортмаяптилар.

Аҳоли гоят катта кўпчилигининг манфаатларини ифода этаётган қонуний ҳукуматнинг позицияларига путур етказиш йўлидаги уринишлар, деб таъкидлади М. Оботе, бутун Уганда жамиятига уруш эълон қилиш билан баравардир. Бандитлик қилаётган унсурларнинг хуружлари муқаррар барбод бўлиши олдиндан маълум. Ҳукумат уларнинг пайини қирқиш учун иложи борича кўп куч-ғайрат сарфлайди.

ПРОПАГАНДИСТ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРГА ЁРДАМ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР

Тема II. Ривожланган социализм даврида КПСС иқтисодий сиёсати

4. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини фан ва техниканинг илғор марраларига олиб чиқайлик.

КПСС Марказий Комитети СССР Фанлар академиясининг роли ва масъулиятини янада ошириш, илмий тадқиқотлар бутун системаси ташкил этилишини яхшилаш учун ҳаракат қилмоқда. Бу система самарасиз лабораторияларга ва институтларга тоқат қилмайдиган анча эпчил ва ҳаракатчан бўлиши керак. Фан эҳтиёжларига ҳам диққат-эътибор билан муносабатда бўлиш, илмий муассасаларни машина-ускуналар ва приборлар билан таъминлаш, экспериментал ишлаб чиқаришларни кенгайтириш лозим.

Машғулотларда ҳозирги пайтда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳал этувчи, муҳим соҳа эканини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан КПСС XXVI съезди иқтисодий, ташкилий, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларини ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш вазифасини қўяди.

«Маҳсулот сифатига қўйилаётган талаблар даражаси бошқа бир ҳолатдир, — деган эди Л. И. Брежнев съездда, КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида. — Бундай талаблар даражаси гоят юқори бўлиши керак, деб ўйлайман. Жаҳондаги ва Батанимиздаги энг яхши намуналарга мос келмаган бошқа ҳеч қандай кўрсаткич билан биз келиша олмаймиз ва келиша олмаслигимиз зарур. Эскирган, орқада қолган, ҳаётнинг ўзи қадрсиз қилиб қўйган ҳамма нарсани қатъиян улоқтириб ташлаб, ўзимизни ана шунга ўргатишимиз, ана шунга эришишимиз лозим».

Ўн биринчи беш йилликда ҳамма жойда бутунлай янги техника ва материалларни, илғор технологияни яратиш ва жорий этиш асосида ишлаб чиқаришни техника жиҳатдан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Бу ерда пропагандист тингловчиларнинг эътиборини илмий ва инженерлик фикри яратаётган барча илғор, янги, прогрессив нарсаларни кенг оммалаштиришга қаратиши керак.

5. Халқ фаровонлигини оширишнинг асосий йўналишлари. Экономикага раҳбарлик қилиш методларини такомиллаштирайлик.

Бу масалани ўрганишга киришга туриб, тингловчиларга шуни ҳикоя қилиб бериш керакки, партиянинг бу соҳада белгилаб берган кенг программаси совет кишиларининг ҳаётининг ҳамма томонларини янада яхшилашни ўз ичига олади. Биринчи навбатда эса аҳолини озиқ-овқат, шунингдек саноатнинг кенг истеъмол буюмлари билан таъминлашни янада яхшилаш вазифаси илгари сурилмоқда. Съезд махсус озиқ-овқат программасини ишлаб чиқишни зарур деб топди. Бу программа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни анча кўпайтиришни таъминлаши керак. Бу программа қишлоқ хўжалиги билан унинг маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тармоқларни, албатта савдони ҳам бир-бирига махкамроқ боғлаши лозим. Бу программанинг ўз олдига қўйган мақсади аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш вазифасини қисқа муддатларда ҳал этишдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш озиқ-овқат программасининг негизидир. 80-йиллардаги аграр сиёсатнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, эндиликда асосий диққат-эътибор капитал маблағлардан олинадиган самарага, қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини ўстиришга, унинг аграр-саноат комплекси ҳамма тармоқлари билан алоқасини чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга қаратилади.

Биринчи навбатда таъминотда таҳчиллик айниқса сезиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турларини етиштиришни кўпайтиришдан иборатдир. Бу ерда ғалла биринчи галда гўшт ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ҳақида бормоқда.

Бу проблемани муваффақиятли ҳал этиш мақсадида Молдавияда, Украинанинг жанубий областларида, Шимолий Кавказда, Ўрта Осиё ва Закавказъеда, жумладан, дон учун мақажўхори, шунингдек сўя экиладиган майдонларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Аҳоли учун буюмлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантиришни ўртоқ Л. И. Брежнев биринчи даражали партиявий иш деб атади.

Пропагандист тинглювчиларнинг асосий эътиборини бу муҳим ишда шаҳарнинг барча коллективлари, барча меҳнатчилари иштирок этаётганига қаратиши лозим.

Экономикани ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча проблемаларни ҳал қилиш халқ хўжалигига раҳбарлик, планлаштириш ва бошқариш даражаси билан узвий боғлиқдир. КПСС XXVI съезди бу ўринда интизомнинг аҳамияти, шахсий масъулиятнинг, айниқса хўжалик, совет ва партия раҳбари масъулиятининг аҳамияти жуда ҳам ошиб бориши зарурлигини биринчи галдаги вазифа қилиб қўйди. Съезд ҳар бир раҳбар ўз зиммасидаги юксак масъулиятни — ўзи раҳбарлигидаги кишилар олдидаги, партия ва халқ олдидаги масъулиятни оширишни талаб этди.

Партия барча раҳбарлардан давлат планларига қатъий риоя қилишни ва планларни уларни камайтириш томонига қараб ўзгартиришга практикасига барҳам беришни талаб этди. Съезд тармоқлараро комплекслардан тортиб, корхоналаргача — барча бошқариш структурасини такомиллаштириш вазифасини илгари сурди.

Партия ижрочилик, интизом билан дадил ташаббус ва тадбиркорлик узвий боғланиб кетадиган иш услубини яратиш масаласини қўйди. Камчиликларга танқидий қаришни танлаган йўлимизнинг тарихий устунликларига мустаҳкам ишониш билан узвий боғлаш керак.

Ҳисобот докладининг бу бўлими ҳақида тўхталганда, тинглювчилар ишлаётган корхона, цех ҳаётидан мисоллар келтириш ва уларнинг бу муҳим ишдаги ролини тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Партия иқтисодий сиёсати совет халқининг туб ҳаётий манфаатларини акс эттиради. Бу сиёсат омманинг ижодкорлиги, ташаббуси, ғайрати билан қўшилиб, бирлашиб, жамиятимизнинг моҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлидан, коммунизм моддий-техника базасини яратиш йўлидан тўхтовсиз олға қараб боришини таъминлайди.

АДАБИЁТЛАР

Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисобот доклади ҳамда ички ва ташқи сиёсат борасида партиянинг навбатдаги вазифалари.

Л. И. Брежнев. КПСС XXVI съезди ёпилиш чоғида сўзланган нутқ. Ўртоқ Л. И. Брежнев доклади юзасидан КПСС XXVI съезди резолюцияси.

КПСС XXVI съездининг янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлаш тўғрисидаги қарори.

Н. А. Тихонов. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари. КПСС XXVI съездига доклад.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари.

Ш. Р. Рашидов. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съездига Ҳисобот доклади.

Ш. Р. Рашидов. КПСС XXVI съездида сўзланган нутқ.

Машғулотларда бу ҳужжатлардан ташқари КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди делегатларининг нутқларидан ва XXIII Тошкент шаҳар партия конференциясининг материалларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«ШАҲАР АВТОБУС ТРАНСПОРТИДАГИ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР»

Шу сарлавҳа остида босилган материалда шаҳар автобус транспортидаги тартибсизликлар танқид қилинган эди.

Шаҳар пассажир автотранспорти ишлаб чиқариш бош бошқармасидан олинган жавобда қуйидагилар қайд этилган: мақолада келтирилган нуқсонлар «Главташпассавтотранс» совети-да атрофлича муҳокама этилди. Кейинги йилларда автобус парклари анча жиҳозланган ва улардаги машиналардан фойдаланиш миқдори тобора кўпаётганлигига қарамай, ишда ҳали жиддий нуқсонлар мавжуд. Бу нуқсонларни тугатиш, жумладан линияга тегишли миқдордаги автобусларни тўла чиқариш, уларнинг қатъий график асосида қатнашини таъминлаш, расписанияга риоя қилиш ва шунга ўхшаш муаммоларни ҳал этиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. Олдиндан билет сотишни намунали ва кенг суратда ташкил этиш, йирик корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг кенг жамоатчилиги иштирокида ҳар ойда камида икки марта автотранспорт ишини текширишга қарор қилинди.

Шунингдек йўловчилар билан ножўя муносабатда бўлган ва ишда нуқсонларга йўл қўйган автотранспорт ходимларига нисбатан маъмурий чора кўрилди. Жумладан 5-автопаркнинг диспетчери ишда назоратни сусайтиргани учун вазифасидан четлаштирилди. 7-автопарк учинчи автоколоннасининг бошлиғи Д. Ҳолмуҳамедовга 87-маршрут бўйича етарли миқдорда автобуснинг линияга чиқишини таъминлай олмагани учун виговор эълон қилинди. 87-маршрут шоферлари Раимов ва Абдуллаевларга виговор берилди. Автобусларни графикда белгиланган миқдорда линияга чиқармаганлари учун колонна бошлиқлари Ш. Аъзамов ва Ҳ. Қосимовлар қаттиқ огоҳлантирилдилар. Молия тартибини бузганликлари ва кўпол муомалада бўлганлари учун шоферлар Куньев, Аҳмедов, Расулов, Одилов ва Раимовларга виговор эълон қилинди.

Булардан ташқари, барча автобус парклари-да шаҳар транспортида аҳолига кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

2 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

2 АПРЕЛЬ, 1981 й. чиқилди.

Шаҳримиздаги 1-пойафзал фабрикаси меҳнат аҳли партиямизнинг XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун самарали меҳнат қилмоқда. Мана бу суратда корхонанинг ветеран ишчиси, КПСС аъзоси Абдулла Орипов тасвирланган. У смена топшириқларини муntазам равишда ортиғи билан адо этиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ХАРИДОР нега ранжиди?

• *Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?*

ҚОПҚОҚ МУАММОСИ

ГАЗЕТХОНЛАР МАКТУБИНИ МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ШАРҲЛАЙДИ

Ҳурматли редакция! Кузда уйимизда қиш учун мева ва сабзавотдан консерва тайёрламоқчи бўлдик. Лекин хўжалик моллари магазинидан шиша банкаларнинг на пластмассадан қилинган, на рангли металдан қилинган қопқоқларини топа олмадим. Охири чайқов бозорига боргандим, у ерда бор экан. Фақат уч тийинлик тунука қопқоқни ўн тийиндан олишга тўғри келди. Бу ҳам майли. Яқинда дераза тирқишларини беркитмоқчи бўлиб, замаска қидириб, уни ҳам топа олмадим. Замаска ўрнига елим ва қоғоздан фойдаланишга тўғри келди. Наҳотки шундай майда-чуйда нарсаларни маҳаллий саноатимизда кўплаб ишлаб чиқариш мумкин бўлмаса?

Ш. ҚОДИРОВА.
Ленин район, «Истиқбол» маҳалласи.

Э. МЕЛКУМОВА, **республика «Узторг» базаси директори.**

— Газетхон Ш. Қодировнинг сўзлари жуда ўринли. Рўзғорга кўп нарса керак бўлади. Уйда агар игна бўлмаса ҳам билинади, уни қайдан топсам экан, деб киши бош қотиради. Шундай бўлгач, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, айниқса маҳаллий саноат корхоналари ишлаб чиқаришни аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қатъий ҳисобга олган ҳолда ташкил этиши, савдо ташкилотлари билан алоқани яхшилаши лозим. Акс ҳолда кенг истеъмол буюмлари савдосида муаммолар пайдо бўлаверади, чайқовчининг куни «туғади», кишилар арзимаган буюмни ҳам икки-уч баравар қимматига ола бошлайдилар.

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат корхоналари ўнинчи беш йилликда аҳолини кенг истеъмол буюмлари билан таъминлашда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Лекин ҳали яна кўп ишлар қилиниши керак. Жумладан, бошқарма корхоналари ўтган йилнинг ўн бир ойи мобайнида базамизга 4. 600 минг сўмлик маҳсулот етказиб бермаганлиги фикримизнинг исботи бўлади.

Ўтган йили бошқармага 8 миллионта пластмасса қопқоққа, 551 минг сўмлик скипидар ва замаскага буюртма бергандик. Қопқоқ ва скипидар бўйича буюртма қисман бажарилди, замаска буюмларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни ўдалай олмади. Жумладан, консерва банкалар учун пластмасса қопқоқлар, пластмасса ҳоқандоз, замаска каби буюмларни ишлаб чиқаришда шундай бўлди. 2.800 минг ўринга 2.061 минг ўринга 30 минг-та ҳоқандоз ишлаб чиқардик. Замаска ишлаб чиқариш учун эса мутлақо имкон бўлмади. Бу нуқсонлар, аввало ҳом ашё таъминоти ёмонлиги сабабли юз берди. Ангарск шаҳридаги Полимерлар заводи янгилиги, кувватларини тўла ўзлаштира олмаганлиги сабабли 279 тонна полиэтиленни етказиб бермади. Шимолий Қозоғистоннинг Оқбулоқ шаҳридаги завод майдаланган бўр етказиб бермаганлиги оқибатида замаска тайёрлашни йўлга қўйиш мумкин бўлмади. Янги йилдан бу камчиликлар бартараф этилади. Республика ҳукуматининг яқиндан берган ёрдами билан корхонамиз учун янги таъминотчилар белгиланди. Ҳозир бизга Қозон ва Уфадаги заводлар ҳом ашё етказиб беряпти. Буюртмалар ўз вақтида бажарилаяпти. Тез вақтда замаска ишлаб чиқаришни ҳам яна йўлга қўйиб юборамиз.

И. ГОРЕЛКИН, **Чилонзордаги 1-ишлаб чиқариш комбинати директори.**

— Корхонамиз кўпгина кенг истеъмол буюмлари қатори, шиша консерва банкалари учун рангли металл қопқоқлар ҳам ишлаб чиқаради. Ўтган йили 43 миллионта ўрнига 47 миллионта ёки республикада аҳоли учун сотилган металл қопқоқларнинг ярмини тайёрладик. Аммо шунга қарамасдан ҳамон хўжалик магазинларидан металл қопқоқлар топиш мушкул.

Илгари Ўзбекистонда мева ва сабзавотни қишга қоқи қилиб асрашган. Ҳозир эса аҳоли ўртасида ёз пасмантини уй шароитида консервалаш оммалашмоқда. Бу ҳар жиҳатдан яхши. Менимча, бу тенденцияни ҳисобга олиш ва металл қопқоқлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш керак. Ҳозир савдога чиқарилаётганни эса мутлақо етарли эмас. Агар ҳом ашё бўлса бизнинг корхонамизнинг ўзида қопқоқ ишлаб чиқаришни икки баравардан зиёда кўпайтиришимиз мумкин. Республика минот Бош бошқармасига собга олади, деб қиламиз.

Ҳаёт серқирра, ранг-баранг бўлганидек, одамлар ҳам хилма-хил. Бири яхши, бири ёмон, бири мард, иккинчиси номард, бири самимий, очиқ кўнгил, бири ҳасадгўй ва тамагир. Кунни — тун, оқни — қора кўзқўз қилганидай, ёмон яхшини янада яхшироқ қилиб кўрсатганидай, сахийни — хасис, мулойимни — қўпол, ширинзабонни — аччиқ тил, хушхулқни — бадхулқ, ақллини — аҳмоқ, мардни — қўрқоқ, донони — нодон, камтарликни — манманлик тагин ҳам гўзалроқ ва кўркамроқ бўлишини таъминлайди. Биридан яхши, биридан ёмон ном қолади. Яхши ном инсонни безайди. Ҳикматда шундай дейилади:

Яхшини кўриб фикр қил,
Ёмонни кўриб шукур қил.

Одам феълидаги энг ёмон одатлардан бири эса тамагирликдир. Тамагир одам худди тубсиз чуқурга ўхшайди, ҳар қанча олган билан кўнгли тўлмайди, оч мушук тўшгга юхтоблик билан қарагандек, тамагир одамлар қўлига кўзини лўқ тикиб туради.

Халқ айтади:

— Эй ўғлон, одам бўлсанг тамагир бўлма! Тама — энг ярамас одатлар — пораҳўрлик, ҳасадгўйлик, ичқоралик, қўполмаслик каби разил одатларга ўргатиб қўйганини билмай қолсанг, тама бора-бора ёлғончилик, чақимчилик, суюқлик, очкўзлик, очопатлик, виждонни сотиш, имонни йўқотишга олиб боради...

Масал: — Тама билан туз-қатиқ бўлдиму, ҳолимга маймунлар йиғлайдиган бўлди, — ҳасратидан чанг чиқиб деди Виждон.— Кимга нима яхшилик қилсам, кимга нима ҳадя этсам унинг оқибат-натижасини у, яъни тама билан боғлайдиган бўлиб қолдим. Бирини бериб —иккини, иккини бериб—ўнини олишни ўйлайман. Бора-бора ўзим ҳам жиғилдонга айланиб қолганимни сезмай қолдим.

Виждоннинг юраккабғри қон бўлганини кўриб, унга ачиниган Имон деди:

— Ўзингдан кўр! Ахир, таманинг шайтонга ҳам дарс бериши, умрнинг эгови эканлигини билардинг-ку! Энди гапнинг пўст калласини айтсам, ундан воз кеч.

Имон шундай деди да, Виждонга ёрдамлашиб, таманинг роса пўстагини қоқди... Тамадан халос бўлган Жиғилдон қайтадан Виждонга айланиб, орқасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлади...

Қиссадан ҳисса: Тама виждонни жиғилдонга айлантиради, сўнг инсонни тириклайин гўрга тиқади...

Ҳикоят: Бир киши тамагирликда тенги йўқ эди. Кунлардан бир куни уникига таниши келди. Олдига чой-нон қўйдида, овқатга ундади. «Чой билан жўнатсам унчалик фойда чиқмайди, ош қилсам ишимни битиради. Ўғлимни кўнгилдагидек ишга жойлаштириб оламан», —деб ўйлади у.

Меҳмон: «Бу менга бекордан-бекорга ош дамламаяпти. Бир балоси бўлмаса шудгорда қўйруқ на қилур деганларидек, бирон-бир нарсани тама қилиб, ошга ундади. Ҳа, худди шундай», —деди-да, ўрнидан кўзғалди. Ошпаси қанча қистамасин, уйига жўнаб кетди.

Тамагир уйга кириб дастурхондаги шундай бир хатга кўзи тушди: «Ошна, ошингни ейман-ку, кейин сен бошимни ейсан. Миннатли ошдан беминнат мушт яхши».

«Оббо,— дебди тамагир хатни ўқигач, ошни тама билан қилганимни сезиб қолибди-да. Бари бир чойнонингг ҳақини чиқариб оламан. Ахир чойни асал билан ичди-ку. Асал билан нон бекорга келадими?»

Қиссадан ҳисса: Тама — бахилликни, бахиллик— хасисликни тугдиради.

— Маҳалламизда бир киши бор. Кўринишда, муомала ва тил-забонда яхши одамга ўхшайди. Аммо қўлидан бир пиёла чой олсангиз борми, уни ўн пиёлани ўйлаб туриб узатади, бирон-бир қалтис ишини битириб олишликни ўйлайди. Яқинда бир воқеа рўй берди,— деб сўзини давом эттирди Карим ака Ботиров.—Узоқ бир жойдан танишим меҳмон бўлиб келди. Қўшним ҳам чиқиб, бир оз гаплашиб ўтирган бўлди. Бир пайт меҳмонимни уйига таклиф қилиб, ҳол-жонига қўймай олиб чиқиб кетди. Зиёфатни қуюқ қилди. Дўстимиз қўшнимнинг одамийлиги, олижаноблиги, меҳмондўстлиги ҳусусида сўзлай бошлади. Мен бўлсам ичимда: «Эҳ, нодон-эй. сени фалон жойда ишлайди деб ҳушомадгўйлик қилмоқда. Қўшним бурганинг кўзини кўрган, илонниг оёгини санаган, ахир. Ҳаммасини ҳализамон найранг халтасининг огзини очганда биласан», — деб ўйладим.

—Дарҳақиқат, меҳмон кетиши олдида: «Ўғлимиз **ўқишни тугатаяпти, шуни ишга** жойлашда ёрдам қўлингизни чўзиб юборасиз-да, домла» деб қолди қўшним. Шунда меҳмон: «Мен институтда ишламайман, чорвадорман» деган эди. қўшним бўшашиб ўрнига ўтириб қолди... Дўстим қишлогига қайтиб, таъна-надоматдан қутулиб қолди. Балога эса мен қолдим.

Яқинда қўшнимнинг бир ишини, яъни излаб юрган ноёб нарсасини топиб бериб, унинг таъна-тошларидан қутулгандай бўлдим...

Ҳа, бу ранг-баранг, ажабтовур ҳаётда шундай кишиларни учратасанки, бир пиёла чой берса у ёғини ўйлаб бир чойнак қилишни, бирон-бир иш-юмушини бажариб олиш ниятида бўлади. Тамасиз бир бурда нон у ёқда турсин, бир оғиз сўз айтишга оғринади. Шунинг учун тамагирнинг бири икки бўлмайди, ҳеч қачон косаси оқармайди.

Халқ айтади:

Тамагир— кунда гамгин.

* * *

Бургутнинг қўнар жойи тог,
Тамагирнинг кўнгли доғ.

* * *

Хотамга йўл тутганинг—тўлганинг,
Тамага кўз тутганинг—ўлганинг.

* * *

Тамани ўйлаб томдан ташлади.

Шундай қилиб, халқ саҳоватли, мурувватли, олижаноб кишиларни қадрлаган, эъзозлаган ва мадҳ этгани ҳолда, тама билан кун кечирувчи, бировга яхшилик қилса ёхуд ёрдам қўлини чўзса, албатта ундан келадиган фойда ва натижани ўйлаб кўзлаб иш тутадиган тамагирларни қаттиқ қоралайди, бундай ярамас одатдан ҳоли бўлишга чақиради. Тамагирдан ҳазар қилиш, унинг бир пиёла чойини ичиш у ёқда турсин, юрган кўчасидан юрмасликка, ўтирган жойинг ўтирмасликка ундайди.

Тамагирлик билан яшаш ва тамагир деб ном олишдан ёмон бахтсизлик йўқ. Бундай ярамас одатни ўзингга юқтирмаслик, ўндан ҳазар қилиб минг чақирим йироқ юришликка. бирон-бир кишига ёрдам қўлини чўзганда. бирон-бир ҳайрли ишга қўл урганда бир-бирингга одамийлик ва олижаноблигини ўйлаш, чин қалбдан иш тутишликка нима етсин!

М. МУРОДОВ,
филология фанлари доктори.



Сергелидаги ошхона ва бошқа турдаги мебеллар заводи шаҳримиздаги янги саноат корхоналаридандир. Бу ерда рўзғор учун энг зарур бўлган буюмлар ишлаб чиқарилади. Заводда сўнгги пайтда мамлакатимиздаги йирик мебель корхоналари билан ҳамкорликда ва уларнинг яқин ёрдами билан бир неча хил янги маҳсулотлар яратилди. Жумладан, «Нилуфар», «Ёшлик» гарнитурлари, «Ғунча» номли болалар гарнитури жуда пишиқ ва чиройли ишланган. Бу мебелларни яратишда шаҳримизда ҳозир қурилаётган квартираларнинг имкониятлари ҳисобга олинган. Корхона янги буюмлари уй бекаларига жуда манзур бўлаяпти.

СУРАТДА: заводнинг янги мебелларидан намуналар.

М. Нуриддинов фотолари.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЛАР

«КУЗНИНГ БИРИНЧИ КУНИ»

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри саҳналаштирган «Кузнинг биринчи куни» янги спектакли ёш авлоднинг камол топишига бағишланган. «Ижодий коллектив драматург Ўлмас Умарбеков билан биргаликда ёшларни тарбиялашда асосий масъулият кимнинг зиммасига: мактаб, жамоатчилик, ота-оналар зиммасига юкланадими? деган актуал масалани ўртага қўйди. Пьеса ёш инсоннинг тақдири учун жавобгарлик ҳаммангники, биринчи навбатда унинг ўз зиммасига юкланади, деб жавоб беради. Режиссёр Рустам Ҳамидов етакчи саҳна усталаридан СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, республика халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Икрома Болтаева, Мирҳосил Орипов ва бошқа ёш артистлар барча томошабинларни ўзига жалб этувчи спектакль яратдилар.

Ҳозирги пайтда Ўлмас Умарбеков «Кузнинг биринчи куни» пьесасининг давоми устида иш олиб бормоқда. Саҳна асарининг иккинчи қисми— «Ўз ихтиёри билан» пьесаси қаҳрамонларнинг келгусидаги тақдири ҳақида ҳикоя қилади.

ҒУЛҒУЛА

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

Абдумажид Шомирзаевнинг «Ялангоч қироп ҳазратлари» қиссасида сионистлар иғвосига учиб, «жаннатмакон ўлка» — Исроилга кўчиб борган эмигрантлар, шу жумладан, Ўзбекистондан Исроилга кетган яҳудийларнинг оғир қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Айни пайтда, сионизмнинг соҳта қиёфаси, кирдикорлари фош этилади, Совет Иттифоқи билан Исроилдаги ҳаёт бир-бирига солиштирилади, социализмнинг капитализмнинг тузумдан устунлиги ёрқин кўрсатилади.

Қуйида ушбу қиссадан парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Улар кўчани кесиб ўтиб, янги қурилган ресторанга киришди. Ҳали эрта бўлгани учун, ресторанда одам кам эди. Нотаниш кимса энг чеккадаги — ҳоли турган столни танлади. Бориб ўтиришлари биланоқ, ёнларида хизматга тайёр бўлган официантка қизга, Ёқубнинг эътирозига қарамай, юз эллик граммдан икки қадаҳ коньяк буюрди. Ёқуб умуман ҳеч қандай спиртли ичимлик ичмаслигини айтган эди, нотаниш кимса негадир кулимсираб қўйди.

Нотаниш кимса Ёқубнинг юз чизиқларини бирма-бир санаб, уларни диққат билан ўрганаётгандек, сигарасини аста-секин тутатиб, унга анча вақтгача тикилиб ўтирди. Ёқуб икки бор соатига қараб қўйди. Ниҳоят, токати тоқ бўлиб ўрнидан кўзғалди.

—Мен сизни, башарангизга қараб, ақллиҳушли одам деб ўйлагандим. Лекин сиз тўпа-тўзук масхарабоз экансиз!—У қўлини стол устида ётган портфелига чўзди.

— Бир оз сабр қилинг, — деди нотаниш кимса пинагини бузмай.

— Кечирасиз, сизга томоша кўрсатиш учун менинг бекорчи вақтим йўқ.

— Сабр қилинг. Ҳозир ҳаммасини тушунтириб бераман. Ўтиринг. Шу пайт официантка қиз графинда коньяк билан икки қадаҳни стол устига қўйиб кетди. Ана энди бемалол гаплашсак бўлади, — гапида давом этди у қадаҳларга коньяк қуяр экан, — Суҳбатимизга бошқалар, — у бошқалар билан узоқлашаётган официанткага имо қилиб қўйди, — ҳалақит бермасин деган хаёлда, гап бошламай, сизни мақтал қилиб қўйганим учун узр сўрайман.

— Яхши, — деди Ёқуб қовоғини уюб. Илтимос, айтадиган гапингизни тезроқ айтсангиз...

— Хўш, аввал таништириб олайлик, — деди нотаниш киши яна бепарволик билан. — Исму шарифим Лейзор Гольдман. Дўстларим эса менга «Хўшхабар элчиси» деб ном беришган. Асли Краковданман. Тўғрироғи Ғарбий Украинада. Львовда туғилиб, Краковда катта бўлганман. Нега ажабланаяпсиз? Э-э... Краков қаёқда-ю, Львов қаёқда демоқчисиз-да, — «Хўшхабар элчиси» кулимсиради.— Тарихни яхши билмас экансиз. Бир пайтлар, урушдан аввал, Ғарбий Украина, жумладан, Львов ҳам Польша қўли остида эди-да, ҳаммаси бир ватан эди. Хуллас...

Гольдманнинг «тарихни яхши билмас экансиз» дегани Ёқубга нашъа қилиб кетди. Тўғрисўз эмасми, ўзини тутиб туролмади. Ўз одатича бир қулоқ қўйди-да, суҳбатдошининг гапини оғзидан олиб, деди:

— Кечирасиз, агар хотирам алдамаса, Октябрь революциясидан сўнг Ғарбий Украина ҳам, Львов ҳам Советларга қарарди, то ок поляклар бу ерларни эгаллаб олган минг тўққиз юз ўн тўққизинчи йилгача...

— Ў-ў-ў! — деди Гольдман унга ўйчан тикилиб қарар экан. — Тарихдан унча-мунча хабардор экансиз-ку. Бу яхши... Хуллас, у сигарасини тортиб, бурнидан ингичка тутун чиқарди-да, ўз гапини келган жойидан давом эттирди: — Хуллас, сизга очиғини айтсам, мен ота қадрдонингиз бўламан.

— Ота қадрдонингиз?!— Бу гапдан Ёқуб мутлақо таажжубда қолди.—Ростдан сиз отамни танийсизми?

— Ҳа. Бир пайтлар, ёшлигимизда отангиз билан улфатчилик қилардик. Замонанинг зайли билан, мана энди биз америкалик, —мамнун илжайди, сўнг яна жиддий давом этди: — Отангиз Изя Товбис эса СССР граждани—ўзбекистонлик бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммасига уруш сабабчи... Э-э, гапирса гап кўп. Гитлерчилар-у, ватан ва миллат хоинларидан қочиб туғилиб-ўсган юртни ҳам, ёру-биродарларни ҳам тарк этгандим. Бироқ... нимаям дейсиз, одам қариган сари киндик қони тўкилган жойни кўмсаверар экан. Охири, менинг ҳам сабрим чидамади. Ўсиб-улғайган ватанимни, ёшликдаги улфатларни ҳеч бўлмаса яна бир кўриш ниятида жаҳонгаштасликка — сабҳатга чиқдим... Бир ой Польшада бўлдим... Жудаям ўзгариб кетибди... Айниқса Краков... Одамлари ҳам... Урушдан аввалги, ўзим яшаган пайтдагига тақир ўхшамайди... Кейин СССРга, Ғарбий Украинага келдим. Львовда отангизнинг дарагини эшитдим-у, уни—эски қадрдонимни бир кўриб кетай, деб бўёкларга ҳам қадам ранжида қилдим.

— Ростанам сиз отамни биласизми? — деди Ёқуб ички бир ҳаяжон билан. Кейин сўнгги овозда қўшиб қўйди: — Лекин, афсуски, у ҳозир...

— Йўқ-йўқ, отангиз билан ҳозир учрашмоқчи эмасман, асло. — Унинг гапини бўлди «Хўшхабар элчиси». — Отангиз билан аллақачон юз кўришдик. Бундан уч қун илгари. У ёшлигида қандай бўлса, ҳали ҳам шундай тенталигича қолибди.

— Нима?! Тентак?! Бас қилинг! — Ногаҳоний гапдан, худди бировнинг саничиб олгандек Ёқуб ўрнидан ирғиб туриб кетди, бўйин томирлари бўртиб чиқди.

— Отамни ҳақорат қилишга сизга ҳеч ким ҳуқуқ бергани йўқ. Бунинг учун жавоб берасиз.

— Оҳо, —деди Гольдман мийиғида қулиб, у гап мавзуини ўз мақсади томон бураётгандек, гарчи бир муича ноқулай вазиятга юз берган бўлса-да. (Ёқубнинг важоҳати яхшиликдан дарак бермасди). — ҳурсанд эди. Шу боисдан, ўз ўлкасини оёқ-қўлидан тушовлаш учун тайёрлаб, келган сўз арконини дарҳол қўлга олди. —Мен сизни онангизга ўхшарканси деб ўйлагандим.

— Мен онамни билмайман. У ғудеклигимда вафот этган.

— Вафот этган? — Гольдман ҳайратлангандек Ёқубга бироз тикилиб турди. Кейин ўзини кресло суянчиғига ташлади-да, овозини чиқармаслик учун қўли билан оғзини беркитиб, бутун вазойи-баданини селкиллатиб, кулди. — Цира ҳоним вафот этганми? Бунақанги уйдирмани қаердан ўйлаб топдингиз? Ёки отам деб айтаётган кимсангиз сизни ҳам ўз оғуси билан заҳарладими? Айтмоқчи, сиз унинг қўлида тарбиялангансиз-а...

— Бас қилинг! — деди ҳали ҳам тикка турган Ёқуб тишлари орасидан. Унинг кўзига қон қуйилиб, муштлари қисилди. — Айтадиган гапингиз шуми?

«Хушхабар элчиси» Ёқубнинг важоҳатидан чўчиб, ўзини ўнглаб ўтириб олди. Кейин унинг кучини чамалаб кўраётгандек бошдан-оёқ тикилиб чиқди.

— Ўтиринг, — деди у ниҳоят қовоғини солиб. — Сиз ҳали кўп нарсадан бехабарга ўхшайсиз. Ўтиринг. Коньякдан ичинг. Ёқуб жойига ўтирар экан коньяк тўла қадаҳни «Хушхабар элчиси» томонга суриб қўйди.

— Ичкиликни оғзимга олмаслигимни сизга айтгандим. Хўш, гапингизни гапиринг. Лекин билиб қўйинг, ота-онамни яна ҳақорат қилгудек бўлсангиз, бу ердан соғ чиқмайсиз.

«Хушхабар элчиси» ноқулай аҳволга тушди: гапирадиган гапини айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмай қолганди.

— Хўп, хўп, — деди ниҳоят ўзини тутиб олиб, ўнғайсизликдан қутулиш учун риёкорона кулганча. — Ҳазиллашгандим. Дўстимнинг ўғлини бир синамоқчи бўлгандим-да. Бу томондан ҳақиқий ота ўғли экансиз,—Изя ҳам ҳазилга йўқ эди.

Лейзор Гольдман кўзидан кўзойнагини олди. Унинг ўнг кўзи ярим юмуқ, чап кўзи эса худди шишадек нурсиз боқарди. У қошини кериб, Ёқубга тикилган эди, ўжасини нишонга олаётган чапақай овчига ўхшаб кетди. У шу аллоқада бир неча лаҳза жим ўтирди: афтидан, Ёқуб билан очиқ-ойдин гаплашишга чўчиётган эди. Кейин таваккал қилди шекилли, коньякдан бир хўплаб, гап бошлади:

— Гап бундай, азизим. Хабарингиз бор, исроилликлар—яҳудийлар билан араблар ўртасида яхшигина уруш бўлди. Уруш олти кунгина давом этган бўлса ҳам, бизнинг буюк яҳудийлар миллатининг енгилмас, музаффар ва озодлик армияси...

Ёқуб бу гаплардан мақсад нима эканлигини тушунмай, жаҳл билан Гольдманнинг кўзларига тикилди-да, шартта унинг гапини бўлди:

— Сиз Исроил армиясини озодлик армияси деб атаяпсиз, мен эса уни босқинчилар армияси деб ҳисоблайман. Негаки, у ўзгалар мамлакатига бостириб кириб, тинч аҳолини тиғ-парронга дучор қилди. Кейин, бу билан менга нима демоқчисиз? Бу гапларнинг менга қандай алоқаси бор? Исроилликларнинг босиб олинган араб ерларида қандай жиноятлар қилаётганликлари, янги ерларни кўлга киритиш тўғрисида сафсаталари менга ҳам маълум: ҳар куни газета-журналдан ўқиб, радиодан эшитиб турибман.

(Давоми бор)

Абдумажид ШОМИРЗАЕВ.

1. 1967 йилдаги уруш ҳақида гап кетяпти.

М. АБДУЛЛАЕВА: Отам II группа меҳнат ногиронлиги. Айтингчи, меҳнат ногиронлари ҳам гилам, енгил автомашина, квартира олиш ҳуқуқига эгами?

Жавоб: Меҳнат ногиронлари турмуш учун зарур нарсалар олмоқчи бўлсалар, район ижроия комитетининг социал таъминот бўлимида тузилган рўйхат бўйича навбатга туришлари мумкин.

* * *

Д. ҲАКИМОВА: 16 ёшга тўлдим. Паспорт олиш учун каерга учрашим керак?

Жавоб: ЖЭКка қарашли уйда яшовчи 16 ёшга тўлганлар туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, 3 та фотосурат (5х6 см. ҳажмли), квартира ордери (паспорт муддати тугаганлар эски паспорти) билан ЖЭКка учрашадилар. ЖЭК паспорт олиш учун ҳужжатларни район ички ишлар бўлимининг паспорт столига топширади. Маълум муддатда шу ерда паспорт ўз эгасига топширилади. Хусусий уйларда яшовчилар янги паспорт олишда юқоридаги ҳужжатлар қаторида квартира ордери ўрнида уй дафтарини паспорт столига келтириб кўрсатадилар.

* * *

Н. ПЎЛАТОВ: 13 кун командировкада бўлдим. Бухгалтерия менга ўн кунга ҳақ тўлади. Командировкада юрган автобус билетларимга ҳақ тўламади. У тўғри йўл тутдими?

Жавоб: Корхона раҳбари буйруғида кўрсатилганидек, командировка муддатининг ҳар бир куни (шанба ва якшанба ҳам) учун суткалик, квартира, электр транспорти ва автобусда юрганлик учун ҳақ тўланади. Хизмат вазифаси юзасидан буйруққа кўрсатилгандан ортиқ муддат юришни тақозо этган тақдирда, командировка муддатини узайтириш тўғрисида корхона раҳбарига мурожаат қилишга тўғри келади. Бу ҳақда буйруқ чиққандан сўнг командировка ҳақининг фарқини олиш мумкин.

* * *

Д. МИРЗАЕВА: СамПИнинг ўқиш программаси ўзбек ёки рус тилида олиб бориладими? Қандай факультетлари бор, қаерга жойлашганлиги ҳақида билишни истар эдим.

Жавоб: СамПИнинг иккита факультети бор. Ўқиш муддати 6 йил. Педиатр врачлар тайёрлайди. Миллий ва европа группаларига ўқувчилар қабул қилинади. Ўқиш асосан рус тилида. Лекин ва практикада тушунилмаган дарслар ўзбек тилида тушунтирилади. Қўшимча маълумотларни институтдан қуйидаги адресдан олиш мумкин: ТошГРЭС микрорайони, Чермет кўчаси, 103-уй (19, 115-автобусларнинг «Қишлоқ хўжалиги институти» бекати).

* * *

Р. РАҲИМОВ: Уч йил тўқимачилик комбинатида, бир ярим йил колхозда ишладим. Кейин яна тўқимачилик комбинатига қайтиб ишламоқчиман. Колхозда ишлаган вақтим умумий меҳнат стажига қўшиладими?

Жавоб: «Колхозчиларни пенсия билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ, 1980 йил 1 январдан колхознинг собиқ аъзолари ва уларнинг оилалари колхознинг ҳозирги аъзолари қатори, маълум иш стажига эга бўлган ёки ёшга пенсия ёшига етган бўлса, пенсияга чиқишлари мумкин. Бирон-бир ишчи ёки хизматчи пенсияга чиқаётганда корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаган иш стажига унинг ишлаган колхозда аъзо бўлиб ишлаган вақти қўшиб ҳисобланмайди. Шунинг учун сизнинг бир ярим йил колхозда ишлаган вақтингиз умумий иш стажига қўшилмайди.

Меҳмон ўзгаларга эътиборли ва марҳаматли бўлиши, икки ёнида ва рўпарасида ўтирганлар таниш бўлмасалар ҳам уларнинг кўнглини олишга ҳаракат қилиши керак. Дастурхондаги ширинликларни аёллар ва болалар олдига якинрок суриб қўйинг, юмшоқ, хил-хил пишган таомларни қарияларга таклиф этинг.

Мезбон «олинглар» деб уч марта айтмагунча дастурхондан ҳеч нарса олманг. «Олинглар», «енглар» такаллуфининг уч мартаси ҳақиқий бўлади. Биринчи таклифни шунчаки, иккинчисини манзират, деб ўйлашингиз мумкин. Лекин учинчи таклифга сизда шубҳа бўлмаслиги керак. Мезбон ҳам учинчисини ўтиниб, сидқидилдан айтадики, энди буни бажо келтириш— вазифангиз.

Кресло, диван ёки бирон қулай, юмшоқ жойга ўтириб қолган бўлсангиз, бу жойни аёл ёки қари кишига бўшатиб беринг. Меҳмондо аёл киши сизни ўз ёнида ўтиришга таклиф этиб қолса, бирга ўтиринг, лекин унинг пинжига кирманг, суйкалманг.

Меҳмондорчилик д а одамлар бир-бирлари билан суҳбатлашиб, ҳазиллашиб ўтиришлари жуда яхши одат. Лекин ҳазил одоб доирасидан чиқмаслиги жоиз. Баъзи бировлар борки, ҳазил кўтармайди, нозик табиат. Баъзи бировлар борки, ҳазилкашликни ортиқча, кўпол қилиб юборишади. Шундай ҳолларда Камолиддин Биноийнинг ушбу насиҳати ёдга келтирилса яхши бўлади:

Эй биродар, ҳазилга ҳеч оғма лаб,
Агар оғсанг бўлсин унда соз адаб.
Ҳазил одам обрўсини тўкар, бил,
Ҳазилни қўй,
обрўйингни тўкмагил.
Сенинг жонингга хуш ёққан ҳазил,
Ўзга дилига ништари қотил.

Овқатланиб ўтирганда ҳам аёллар, ёш болалар, қариялар ҳузурдан сифатида фойдаланиш ярамайди.

Меҳмондорчили к д а баъзан дастурхон атрофига кўпчаалар тўшалади ва ёстиқлар қўйилади. Жуда чарчаган бўлсангиз ҳам ястланиб. айниқса, бировлар томонига оёқ узатиб ётиб олманг. Стулда ўтирганда оёқларни чалиштириб ёки оркага ташланиб, қўлларни стулдаги кишининг елкасига қўйиб ўтириш ҳам одобсизликдир. Бирон кишини ёнинки нарсалан, Тошкент ва Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларидаги мезбонлар дастурхонга палов тортганларида уни яхшилаб аралаштириб, таркибидаги гуруч, гўшт, сабзи, пиёз ва ёғ масаллиқларининг мазасини умумлаштириб ажойиб бир лаззат гаммаси ҳосил қилгач, лаганга сузадилар. Бироқ самарқандлик ва бухоролик мезбонлар меҳмон дастурхонига тортилажак паловни сира аралаштиришмай, лашундай қилинади. Шу икки мисолдан кўриниб турибдики, дастурхон тузашда ҳар жойнинг таомили ҳар хил ва ўзига хос мантиққа эга. Сиз меҳмон сифатида ўз жойингиз одатларидан фарқ қиладиган таомилларни калака қилмаслигингиз жоиздир. Бировнинг уйига қадам босиб кирдингизми, унинг узоқ муддатларда шу жойнинг шароитига қараб тарқиб топган одатларини ҳурмат қилишга мажбурсиз.

Албатта, яхши мезбон қандай йўллар билан бўлмасин сизнинг таомилингизни бажаришга, сизни албатта хурсанд қилишга тиришади, аммо яхши меҳмон ўз мезбонининг ортиқча ташвиш тортишига сира йўл қўймаслиги, вактини ва маблағини ортиқча сарфланишдан сақлаши жудажуда муҳимдирки, бунга эриша олган меҳмон ўзига нисбатан бўлган ҳурматни янада орттира олган бўлади. Чунончи, мезбонингиз сиз қилган катта илтифотни кўнгилдагидай қайтара олмаса ҳам, катта зиёфатингиз эвазига фақат бир чойнак чой дамлаб қўйса ҳамки, севининг, мезбонингизга қайта-қайта ташаккур ва миннатдорчиликлар билдиринг. Шундай қилинган-дагина кейинги меҳмон-мезбонлик алоқалари учун мустаҳкам замин ҳозирланади.

Меҳмон бўлғучи юқорида айтилган барча қоидаларни бажара олса чинакам ахлоқ, одоб нурига тўлиб-тошади ва ўзининг инсоний заволигини намойиш қилади.

К. МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

ЗЕБОЛИК ҚОИДАЛАРИ

МЕҲМОН ИЗЗАТДА, МЕЗБОН ХИЗМАТДА

СУРАТДА: П. И. Чайковскийнинг «Уйқудаги малика» балети Большой театр саҳнасида. Ушбу спектаклдаги бош ролларни театрнинг ёш артистлари ижро этишган. Фея Сирени ролида артистка Ю. Левина.

ТАСС фотохроникаси.

Баҳор юмушлари

МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Баҳор кунларида катта дарахт тагларига яхоб сувини мириқтириб бериш тавсия этилади. Мева дарахтлари билан бир қаторда ток тупларининг тагига ҳам сув қуйилса ер қатламларида анчагина нам йиғилади. Дарахт ва ток атрофи яхшилаб юмшатилганда яхоб суви ернинг пастки қатламларига сизиб тушади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, катта ёшдаги мева ва ток тупларининг асосий илдиз системаси ер қатламининг бир-икки метр чуқурлигида ҳар томонга ёйилиб ўсади, ер қатламини ўзининг тик ўсган ва атрофга қараб ўсган йўғон ва майда илдизлари билан қоплаб олади. Дарахт ва токларнинг таги ҳар йили чуқур қилиб юмшатиб турилса, мириқтириб суғорилса илдизлар бақувват бўлиб ўсади ва кўп ер майдонини эгаллайди. Акс ҳолда ер юмшатилмаса, етарли сув қуйилмаса илдизлар ер юзасига яқин қатламларда жойлашиб қолади. Яхши ишланмаган ва суғорилмаган ерда дарахтлар яхши яйраб ўсмайди, сархил новда ва бақувват шохлар пайдо қилмайди, ҳосили кам, меваси сувсиз, майда ва сифатсиз бўлиб қолади.

Баҳор фаслида куртаклар бўрта бошлайди, новдалар ўса бошлайди, куртакларда гуллар ғўрага айланиб ҳосил шаклланади. Мана шу мураккаб биологик процессларнинг нормал ўтиши учун дарахт атрофидаги ер қатламларида нам ва озуқа моддаларни етарли миқдорда тўплаш ишини куз, қиш ва баҳор фаслларида ўтказиб, мўл ҳосилга пухта замин тайёрланади. Ҳосилга кирган ҳар бир катта дарахтлар тагига 8—10 челак ярим чириган гўнг билан 4—5 килограмм суперфосфат аралаштирилиб, бир текисда сочилади, ер 27 —32 сантиметр чуқурликда юмшатилади ва кетидан сув берилса ерга солинган органо-минерал ўғитлар сувда эриб, дарахт ва ток тупларининг асосий илдизи жойлашган қатламларга секин-аста сизилиб тушади.

Яхши ўнгланган ва сув берилган ерда дарахтлар ва ток тупи бир текисда куртак ёзади ва келгусида йирик мева ҳосили пайдо бўлади. Катта ва янги ўтказилган кўчатларни тезликда кесиш ва уларга керакли шакл бериш ҳам яхши натижа беради. Катта ёшдаги дарахтнинг синган, қуриган, касалланган шох-шаббалари ва новдалари ўткир қўл арра ёрдамида олиб ташланади. Ҳаддан ташқари қуюқлашиб кетган дарахтларнинг ортиқча новда ва шохчалари секин-аста олиб ташланади ва яра пайдо бўлган ерларга боғ мойи суркалади. Дарахтларни киркишда дарахт атрофидан ўсиб чиқан новдаларни илдиз танасига тақаб кирқиб олиб ташлашни эсдан чиқармаслик лозим. Бачки новдалар, айниқса олча, тоғолча, олхўри, олма ва беҳи дарахтларининг атрофларида кўплаб ўсиб чиқади.

Ёш экилган кўчатларнинг ён новдалари ва ўртасидаги етакчи марказий новда ҳам қисқартирилиб кесилади. Таҳминан ён новдаларнинг каттакичиклигига ва узунлигига қараб уларнинг уч қисмидан 30 —40 процент чилпиб олиб ташланади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, шафтоли кўчатларини ўз вақтида кесмаслик дарахтни тезда қуритади, шохлари арзимаган ҳосил таъсирида синиб кетади. Кўпинча шафтоли дарахти 6—7 йилдан кейин ҳосил бермай қўяди. Кесилмаган шафтоли дарахтларида мева майда ва сифатсиз бўлади. Шафтоли дарахтларининг камида 10—12 йил яшашини ва мевасининг йирик, сифатли, ширин ва ранг-дор бўлишини таъминлаш учун шафтоли дарахтини ҳар йили март ойининг бошларида кесиш керак. Дарахт шохларининг учки томонидан камида 30 процентини кисқартириб, ўткир арра билан олиб ташлаш зарур. Шундай қилинганда гуллари бир текисда ғўрага айланади.

Катта ёшдаги тиллослар ўз вақтида яхши шаклланган бўлса, дарахтдаги синган, халдан ташқари ўсган шох ва новдаларни кисқартириш ёки олиб ташлаш билан чегараланиш керак.

Шу кунларда сўри ва ишкомларни яхшилаб ремонт қилиш лозим, ҳосилга кирган токларни ердан кўтариш учун сўриларни ишлаш зарур. Ток учун ишланадиган сўриларнинг баландлиги 4—6 метрдан ошмаслиги керак. Жўлаям баланд ишланган сўриларга ток новда ва занглаларини тараб олиб чиқиш кийин бўлса, пенсияга етган бўлса, пенсияга чиқишлари мумкин. Бирон-бир ишчи ёки хизматчи пенсияга чиқаётганда корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаган иш стажига унинг ишлаган колхозда аъзо бўлиб ишлаган вақти қўшиб ҳисобланмайди. Шунинг учун сизнинг бир ярим йил колхозда ишлаган вақтингиз умумий иш стажига қўшилмайди.

Р. РАҲИМОВ: Уч йил тўқимачилик комбинатида, бир ярим йил колхозда ишладим. Кейин яна тўқимачилик комбинатига қайтиб ишламоқчиман. Колхозда ишлаган вақтим умумий меҳнат стажига қўшиладими?

Жавоб: «Колхозчиларни пенсия билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ, 1980 йил 1 январдан колхознинг собиқ аъзолари ва уларнинг оилалари колхознинг ҳозирги аъзолари қатори, маълум иш стажига эга бўлган ёки ёшга пенсия ёшига етган бўлса, пенсияга чиқишлари мумкин. Бирон-бир ишчи ёки хизматчи пенсияга чиқаётганда корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаган иш стажига унинг ишлаган колхозда аъзо бўлиб ишлаган вақти қўшиб ҳисобланмайди. Шунинг учун сизнинг бир ярим йил колхозда ишлаган вақтингиз умумий иш стажига қўшилмайди.

М. СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

3 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ
2 АПРЕЛЬ 1981 й.

ДУНЁ КАРТАСИ

ОҚ ҚИТЪАДА ЕР ҚИМИРЛАЙДИМИ?

Ер сатҳи тебранмайдиган, сокин жой серқуёш ўлкамиздан анча узоқда жойлашган. У биз яшаб турган Осиё қитъасида ҳам эмас, Европа, Америка, Африкада ҳам эмас. У узоқдаги сайёрамизнинг энг жанубида жойлашган Антарктида қитъасидир.

Одатда гап Антарктида тўғрисида кетса, уни фақат эркаклар яшайдиган, музли, оқ қитъа деб ўйлашади. Эндиликда бу ибораларга Антарктида —зилзилалар бўлмайдиган қитъа деб қўшиш керак.

Антарктидага саёҳат қилиш учун аввало мамлакатимизнинг йирик шаҳарларидан бири — Ленинградга самолётдами, поезддами етиб боришимиз керак. У ердан томошани севадиганлар теплоходларда Болтиқ денгизи, Ла-Манш бўғозидан Атлантик океанида Африка қитъасининг ғарбий қирғоқлари бўйлаб, энг жанубда жойлашган қитъага қараб йўл олинади. Яқиндан бери, Антарктидадаги Совет станцияларига махсус «ИЛ—18 Д» самолёти уча бошлади.

... Ниҳоят, биз Антарктидадамиз. Дарҳақиқат бу ерда ер қимирламаслиги ажабланарли бир ҳол. Одатда қаерда ёш тоғлар мавжуд бўлса, шу ерда ер қимирлаши турган гап деб ҳисоблашади. Антарктидада эса, тоғлар ва бутун бир тоғ тизмалари мавжуд. У ерда ҳаттоки Эребус вулқони ҳам бор. Хўш, нима сабабдан у ерда ер қимирламас экан?

Хаёлга дарров, бунга сабаб қитъа устидаги қалинлиги бир неча юз метр келадиган муз қатламининг оғирлигидир, деб ўйлайсиз. Лекин бу сабаб бўла олмайди, чунки, ер силкиниш кучи шунчалик зўрки, унга ҳар қанча қалин муз қатлами чўт бўлолмайди. Буни баъзи сейсмологлар бошқача тушунтирадилар.

Антрактидани қоплаб олган муз иссиқ ўтказмаслик ролини ўйнаб, қитъанинг пастки қатламларида ҳосил бўлган иссиқликни ташқарига чиқиб кетишига йўл қўймайди. Бунинг натижасида ер остидаги тоғ жинсларини юмшатиб, унинг «оқишини» осонлаштириб, зилзила ҳосил бўлиши ҳолини камайтиради. Бу албатта ҳали аниқ жавоб эмас. Музли қитъада кўплаб мамлакатларнинг қутбчилари тинимсиз изланишдалар. Кеча жумбоқ бўлган нарсалар, бугун ҳал бўляпти.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Қўчқор Турдиев номли 59-ўрта мактабда ўқувчиларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Бу ерда спортнинг жуда кўп турлари бўйича секциялар ишлаб турибди. Секция машғулотларида ўқувчи-ёшлар маҳорат сирларини пухта ўрганишляпти.

СУРАТДА: мактаб ўқитувчиси Ҳ. Ғуломов 7-«а» синф ўқувчиларини билан баскетбол секциясида машғулот ўтказмоқда.

И. Шоиногомов фотоси.

СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА

Харьков шаҳрида волейбол бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган эркаклар командалари саралаш баҳсларини тугатишди. Тошкентнинг «Динамо» командаси бу ердаги беллашувларни яхши ўтказа олмаяпти. Тўғри, ҳамшаҳаримиз Киевнинг «Локомотив» командаси билан бўлган учрашувда қимматли бир очкони қўлга киритишга муваффақ бўлишган эди. Шундан кейин улар Марказий Армия спорт клуби командасининг волейболчилари билан майдонга тушишди. Тошкентлик спортчиларда турнир тажрибаси етишмаётганлиги яққол кўзга ташланди. Улар учрашувни 3:0 ҳисобида бой беришди.

Рига шаҳрининг «Радиотехник» командаси билан бўлган учрашувда тошкентликлар бой берилган имкониятларнинг ўрнини тўлдириш, қандай бўлмасин ғалабани қўлга киритиш учун кўп куч сарфлашди. Бироқ, бу сафар ҳам омад улардан юз ўгирди. Учрашув 3:2 ҳисобида ригалик волейболчиларнинг фойдасига ҳал бўлди.

* * *

Минск шаҳрида «Комсомольская правда» газетасининг соврини учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ мусобақаларида тошкентлик спортчилар жуда яхши қатнашмоқдалар. Ҳамшаҳримиз Л. Белоконь юз метр масофага брасс усулида сузишда иккинчи ўринни эгаллади. У 200 метр масофага шу усулда сузиш бўйича ўтказилган мусобақа пайтида маррага биринчи бўлиб келди. Яна бир ҳамшаҳримиз — З. Саҳобиддинова учинчи ўринни эгаллади.

Ёшлар ўртасида брасс усулида сузиш бўйича ўтказилган мусобақада Темур Подмарёв маҳорат кўрсатди. У юз метр масофани сузиб ўтиш учун бир минут 6,10 секунд вақт сарф қилди. Шунингдек, бу ёш спортчи 200 метр масофага ўтказилган мусобақада ҳам ғолиб чиқди. Тошкентлик яна бир спортчи Е. Хольменская чалқанча усулда сузиш бўйича юз метр масофага ўтказилган мусобақада учинчи ўринни эгаллади.

Юқоридаги натижалардан хулоса чиқариш мумкинки, тошкентлик мутахассислар ва тренерлар сузувчиларни масъулиятли баҳсларга тайёрлашда самарали иш қилишмоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА

МАМЛАКАТНИ ЯЁВ КЕЗГАН ОДАМ

Узоқ Шарқ университетининг собиқ ўқитувчиси пенсионер А. Салманов Владивосток шаҳридан Москвагача яёв юриб келди. Толмас саёҳатчи 50 та йирик шаҳардан ўтиб, у ердаги тарихий музейларни, революцион ёдгорликларни, саноат корхоналарини бориб кўрди ва жами бўлиб 55 минг километр йўл босди.

ТАНГАЛАР— ТАРИХНИ ЎРГАТАДИ

Дивногорскдик слесарь Владимир Атавин қадимги тангаларни йиғади. Ҳозир унинг «бойлиги»да мингдан зиёд қадимги тангалар бор. Булар орасида 2049 йил аввал Арманистонда Тигран II ҳокимлик қилган даврда зарб этилган танга ҳам бор. Ҳаваскор коллекциясида Борис Годунов, Петр I, Елизавета, Елизавета II, Александр III, Николай II ва бошқа подшолар даврида чиқарилган тангалар ва қоғоз пуллар мавжуд.

ЧЕМПИОН ТОШБАҚА

Перу мамлакатида 5 метрга югуриш бўйича тошбақалар мусобақаси ўтказилди. Панина лақаблн тошбақа бу масофани 50 секундда босиб ўтиб, ўтган йилги каби яна чемпион бўлди.

ДОРИЛАР УЙДА ЎСАДИ

Омсклик ҳаваскор боғбон Г. Козлигин боғида 189 хил доривор ўсимлик ўсади. Турли жойлардан келтирилган турли хил ўсимликларга ўзига мос иқлим яратиш, махсус тупроқ топиш, суғориб туришга тўғри келди. Бунга, албатта, кўп йиллар кетди. Ҳаваскор боғбоннинг таъкидлашича, у ўстираётган женьшень ўсимлиги ташқи шовқин-суронни ва ҳатто эр-хотин жанжалини ҳам ёқтирмас экан. Баъзи доривор ўсимликларни бегона одамдан, «кўз тегиш»дан сақлаш лозим экан.

ДАРАХТ— ТЕРМОМЕТР

Дарахтнинг неча ёшдалиги унинг танасидаги айланалар сонига қараб аниқланишини ҳамма билади. Бир группа новозеландиялик олимлар ўша дарахт ўсган ерда об-ҳаво қандай бўлганлигини ва бўлишини аниқ айтиб бериш йўлини топишди. Айрим дарахтлар юз ва ундан кўп йил яшашини эътиборга олсак, кекса дарахтни текшириб, ўтган асрда об-ҳаво қандай бўлганини аниқлаш мумкин бўлади.

РУХНИНГ РОЛИ

Америка олимларининг таъкидлашича, кекса одамлар сочидаги моддалардан цинк—рухнинг камайиб кетиши, уларнинг таъм билиш қобилиятини анча пасайтириб юборар экан. Шунинг учун одамлар қарилар истеъмол қиладиган таомларда рух моддаси кўпроқ бўлишини тавсия этишмоқда. Рух моддаси сут ва сут маҳсулотларида, нонда кўп учрайди.

С. ҒАФУРОВ тайёрлаган.

ЧОРАСИ ТОПИЛДИ

XVI асрда Яқин Шарқдан Голландияга лола пиёзларини келтирганларида ҳеч ким уларни дунёдаги энг яхши ҳисобланувчи ва «лолалар ўлкаси» деган иборага ҳизмат кўрсатишини ўйламаган эди. Ҳозирги кунда голландияликлар бу гулларнинг миллионлаб пиёзини чет элларга чиқаришмоқда. Бу мамлакатга кўпгина фойда келтиряпти. Лекин лола экспортининг ошиши билан жиддий проблемалар пайдо бўлди: гулларни нима қилиш керак? Ажойиб ҳиди бўлишига қарамасдан парфюмерияни тушунмовчи сигирлар уни ейишни хоҳлашмаяпти. Маҳсулотнинг ўзи кам чиқарилар, лекин чиқиндилари тонналаб яқин кунлargача денгизга ташлаб юборилар эди. Лекин маълум бўлишича лолалар балиқлар тўдасини чўчитар экан. Шунга қарамасдан лолалардан қутулиш йўли топилди, гуллардан шу лолаларни ўстириш учун ўгит тайёрлана бошланди. Шунинг учун Голландияда тупроқдан лола иси келади дейишлари муболага эмас.

Д. ТУРДИЕВ.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ

Ҳамза район ички ишлар бўлимида милиция капитани Абдусалом Саматовнинг хизмати ҳақида илиқ гаплар эшитдик. Айниқса, район ички ишлар бўлимининг участка инспекторлари бошлиғи А. Н. Криловнинг гапи бизни ўзига жалб этди.

— Абдусалом Саматов Ҳамза район ички ишлар бўлими милиционерлари ўртасида энг кўп хизмат қилган участка инспектори ҳисобланади, — деб гап бошлади Анатолий Николаевич. —У узоқ йиллик хизмати даврида тартиббузарлар билан яккама-якка олишган, ички ишлар ва текинхўрларни қайта тарбиялаб ҳаётнинг тўғри йўлига солган. Энг муҳими, А. Саматов қайси участкада хизматни ўтмасин, ҳамма ерда ҳам у одамлар осойишталигини аъло даражада қўриқлаб келмоқда. Фидокорона хизматлари эвазига Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси томонидан бир неча бор қимматбаҳо буюмлар, Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг «Милиция хизматида ўрнак кўрсатганлиги учун» Фахрий ёрлиғи, «Милиция аълочиси» нишони билан тақдирланган...

А. Саматов хизмат қилаётган «Бирлашган» маҳалласидаги таянч пунктига йўл олдик. Кечки пайт бу хонада штатсиз участка инспекторлари Қодир Файзиев, Шариф Узоқов, А. Саматов билан суҳбатлашиб ўтирган эдик. Шу пайт хонага тўрт йигит кириб келишди. Улар ўзларини Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Тез ёрдам қурилиш комсомол» отрядиданмиз, деб таништиришди. Улардан сўнг хонага милиция формасида яна уч йигит— Олий милиция мактабининг тингловчилари киришди.

— Бу кеча сизлар билан бирга рейд ўтказамиз,— деди А. Саматов.— Рейдимиз давомида кўп қаватли уйлар ва атрофларини текширамиз, ички ишлар ходимларининг қаровулларини текширдик. Ҳаммаси ўз постида ҳушёр турибди...

Таянч пунктига қайтиб кирдик. А. Саматов ўтказилган рейд ҳақида Ҳамза район ижроия комитетига рапорт ёзди.

Биз Абдусалом аканинг бедор тунларидан бир лавҳани мисол келтирдик, холос. Унинг милиция сафига хизматга кирганига 25 йилдан ошди. Милиция хизматини сидқидилдан бажараётганини кўрган бошлиқлар уни 1965 йилда 4-турар-жой шаҳарчасига (ҳозирги Ҳамза район маркази) участка инспектори қилиб юборишди. Бу участкада 6500 дан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг кўпчилиги қариялар. Инспектор шу қариялар билан ҳамиша суҳбатда бўлади. Улар доно маслаҳатлари ва йўл-йўриқлар кўрсатишади. Агарда маҳалласида бирор киши ножўя қадам ташлай бошласа қариялар билан уни маҳаллада муҳокама қилишади... Айниқса маҳалла комитети раиси Ориф Умаров комитет аъзолари билан инспекторга яқиндан ёрдам бериб туришади. Уларнинг ёрдами туфайли участкада бирор хавфли жиноят бўлмайди. Бунда осойишталик посбони А. Саматовнинг хизмати каттадир.

Р. ХЎЖАМОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —2/IV да **Абу Али ибн Сино.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/IV да **Ўжарлар,** 3/IV да **Ҳижрон.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —2/IV да **Гуноҳкор авлиё,** 3/IV да **Отасининг қизи** (19.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **«Ўргатилган айиқлар» аттракциони иштирокида катта цирк томошалари (19.30).**

КИНО

2 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДАРАХТ ПЎСТИДАГИ ПЕТРОГЛИФЛАР» — **Искра.**

«ЧЕКИНИШГА ЙЎЛ ЙЎҚ» — **Москва.**

«ТИНЧЛИК ҲУҚУҚИ» — **Ҳамза номли.**

«ЗУҲРО ЮЛДУЗИ ЎЗ СИРИНИ ОЧМОҚДА» — **Дружба.**

«7 «В» БИЛАН УЧ ҲАФТА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«1940 ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИ» — **Фестиваль.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭКИПАЖ» — **Санъат саройи** (катта зал, 19.00; кичик зал, 17.30, 20.00, телефон 44-39-56), **К. Ермаатов номли** (17, 18, 20, 20.45, телефон 24-22-66), **Тинчлик** (18.30, 21.00, телефон 53-86-07).

3 АПРЕЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БУКОВИН УФҚЛАРИ» — **Тинчлик.**

«ДАРАХТ ПЎСТИДАГИ ПЕТРОГЛИФЛАР» — **Искра.**

«ФИТИЛЬ» № 219» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«ЧЕКИНИШГА ЙЎЛ ЙЎҚ» — **Москва.**

«РУҲИЙ ҚАШШОҚЛИК» — **Лисунов номли.**

«ТИНЧЛИК ҲУҚУҚИ» — **Ҳамза номли.**

«ЛАЙЛАК» — **Мир.**

«ЗУҲРО ЮЛДУЗИ ЎЗ СИРИНИ ОЧМОҚДА» — **Дружба.**

«7«В» БИЛАН УЧ ҲАФТА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«1940 ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИ» — **Фестиваль.**

«ОРБИТАГА КОМАНДИРОВКА» — **Восток.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭКИПАЖ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.45, 16.30, 19.00; кичик зал, 12, 14.45, 17.30, 20.00, телефон 44-39-51), **К. Ермаатов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 20.45, телефон 24-22-66), **Тинчлик** (12.30, 15.30, 18.30, 21.00, телефон 53-86-07).

ДИККАТ! БОЛАЛАР КИНОГА БОРАМИЗ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЛАЛАР УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КИНОТЕАТРЛАРДА АПРЕЛЬ ОЙИДА НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН ФИЛЬМЛАРНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

«ПИОНЕР» КИНОТЕАТРИДА.

2— 5— АЙИҚЧА КОСМОСДА.

6—8— ИНДИНГА ЖАДВАЛ.

9—12 — ЎЛИМГА ТИК БОҚИБ.

13—15 — ДУНЁДАГИ ЭНГ ЯХШИ КАРЛСОН.

16— 19— ЭТИК КИЙГАН МУШУКНИНГ ДУНЁ БЎЙЛАБ САЁҲАТИ.

22— 22 — МИЛТИҚЛИ КИШИ.

23— 26 — ЎЛМАС КАШЧЕЙ.

27— 29— ТЕМУР ВА УНИНГ КОМАНДАСИ.

30— 3 — ПРОСТОКВАШИНОЛИ УЧОВЛОН (соат 11.00).

Сеанслар соат 12, 14, 16.00 да бошланади.

КИЧКИНТОЙЛАР, СИЗЛАР УЧУН

2— 5 — МИХАЭЛА, ҚАТТИҚ ТУР.

«ҒУНЧА» КИНОТЕАТРИДА

2— ШУМ БОЛА.

3—5 — АЙИҚЧА КОСМОСДА.

6—7 — МЕНИ КУТИНГ, ОРОЛЛАР.

8—9— ОЛТИН ШОХЛИ КИЙИК.

10— 12 — АФСОНА ШУНДАЙ БОШЛАНГАНДИ.

13— 14— ҚОРА СЕҲРГАР СОВҒАСИ.



6—12— ТОТО, ДИДИ ВА АНТОН.

13— 19 —РЕКС-ДЎСТ.

20— 26 — ЯЛМОҒИЗ КАМПИР ҚАРШИ.

27 — 3 — ПРОСТОКВАШИНОЛИ УЧОВЛОН.

Сеанслар соат 11.00 да бошланади.

15 — 16 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТЎПЛАМИ.

17— 19— ЎЛИМГА ТИК БОҚИБ.

20— 21 —БОЛАЛИГИМ НОНИ.

22— 23 — МИЛТИҚЛИ КИШИ.

24 — 26 — МУЛЬТФИЛЬМЛАР ТЎПЛАМИ.

27— 28 — АЛМАНЗОР УЗУГИ.

29— 30— СИЗ ПЕТЬКАНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 АПРЕЛЬ, СОАТ 19.00 ДА

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ОРТИҚ ОТАЖОНОВ
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Гулшод ОТАБОЕВА
ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ
Қизлархон ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Тоштемир ТОҲИРОВ, Ҳасан КАРИМОВ. Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнора ОДИЛОВА.
Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси
Абдуфаттоҳ САИДОВ
Оригинал жанрда
Саттор ИСЛОМОВ
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программани —Ойдин ТОҲИРОВА **олиб боради.**
«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари— композитор Султон АНВАРОВ.
Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

2 АПРЕЛЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Мардлик босқичлари». ГТонинг 50 йиллигига 18.45 «Миллионлар Ленинча университети». Магнитогорск металлургия комбинати коллективининг социал-иқтисодий масалаларни ҳал этиш тажрибаси тўғрисида. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Москвада баҳор». Кинолавҳа. 19.35 «Европага — мустаҳкам тинчлик». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Э. Мнацаканов олиб боради. 19.50 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Оқ кема». Бадиий фильм. (Ч. Айтматовнинг шу номли повести асосида). 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти Евгений Нестеренко концерти. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 Ўсмирлар ўртасида хоккей бўйича Европа биринчилиги. СССР— Австрия терма командалари. 2- ва 3-даврлар. Минскдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.30 «Тошда, темирда ва олтинда». Максим Танк поэзияси. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади». 21.30 Р. Шуман. До мажор фантазияси. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Р. Керер чалади. 22.10 «Севги кўрсатади». Телевизион бадиий фильм (Болгария). 2-серия.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар китоблари. Халқаро кунига. «Китоб — бизнинг дўстимиз». 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ёшлик завқи». 19.10 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Мусобақа — омма ишоди». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ўзбекистонлик ёшлар Бутуниттифоқ Давлат Кинематография институтида таълим олмоқдалар». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рояль олдидаги суҳбатлар». Акаука Отажоновларнинг фортепьяно дуэти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга! «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш — озиқ-овқат программасининг асоси». 22.25 «Сатурн» пайдан». Бадиий фильм. 2-серия. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 «Ижодий изланишлар». Мультфильм. 19.10 Реклама. 19.30 Абитуриентлар учун. Она тили. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Абитуриентлар учун. Физика. 21.20 «Киев». Телефильм.

3 АПРЕЛЬ— ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Горничилар, қандасиз?». 10.35 «Халқ ҳунармандлари». Ҳужжатли фильм. 10.45 «Оқ кема». Бадиий фильм. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Осмонўпар тоғлар картаси». Илмий-оммабоп фильм. 15.35 «Золотая шайба» клубининг соврини учун Бутуниттифоқ мусобақаларининг финали. Қозон шаҳридан олиб кўрсатилади. 16.20 Сенегалнинг миллий байрами— Мустақиллик кунига. Сенегал миллий рақс ансамблининг концерти. 17.05 «Подмосковье учрашувлари». 17.35 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Золушка учун уч ёнғоқ». Бадиий фильм. «Баррандов» (ЧССР) ва «Дефа» (ГДР) киностудиялари.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Очиқчасига гап». Кўрсатувда КПСС XXVI съездининг делегатлари, Курган область партия комитетининг биринчи секретари Ф. К. Князев ва Новгород область партия комитетининг биринчи секретари Н. А. Антонов иштирок этади. 20.05 А. Даргомижский романсларини Халқаро конкурслар лауреати В. Л. Панкратов ижро этади. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.25 «Саламандра». Телевизион бадиий фильм премьераси (Франция). 21.30 «Время». 22.05 «Кинопанорама». 23.35 «Дунё воқеалари». 23.50 Лиля Иванова ва Бисер Киров куйлайди (Болгария).

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «А. П. Чехов ижодининг оҳанглари». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (рус). 12.00 «Биз «Юлдуз» ансамблида рақсга тушамиз». Фильм-концерт. 12.25 «Антошка ва гармошка». Жамбул драма театрининг спектакли (рус.). 13.25 «Сатурн» пайдан». Бадиий фильм. 2-серия.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ишчи ертаси». Мультфильм. 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Зарбдор комсомол қурилишларида». 19.05 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Пластмассалар металл ўрнини эгалламоқда». «Ўзбекнефтьмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажрибасидан. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон санъат устолари ва бадиий коллективларининг концерти (А. Навоий номли Давлат академик Катта театридан ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон санъат устолари ва бадиий коллективларининг концерти (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Дунё воқеалари». 22.30 «Алба Регия». Бадиий фильм (Венгрия). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Болалар учун фильм. «Футбол юлдузлари». 19.00 Ўқитувчилар учун консультация. 19.30 «Ишчи ўринбосарлари» (рус.). 20.00 Янгиликлар. 20.20 Абитуриентлар учун. Математика.

Хоразм область, Хозарасп районидаги М. З. Фрунзе номли 21-мактаб томонидан **Раҳимов Дурди** номига берилган 252652 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти томонидан **Нуржанов Жумабой** номига оерилган 317113 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўрта Осиё темир йўлининг врачлик-санитария хизмати ва йўл клиника касалхонаси коллективи касалхона бош врачи О. Б. Боқиевга укаси
Қосим Боқиевич БОҚИЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими, маориф ходимлари касаба союзи район комитети ҳамда 14-мактаб педагогика коллективи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи
Оқилхон ШАРАФИДДИНОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ «СУВЕНИР» ФАБРИКАСИ ҚУЙИДАГИ КАСБ ЭГАЛАРИНИ
ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ускуналар ремонти, вентиляциялар бўйича слесарь-сантехниклар, тикув машиналарини созловчилар, электр монтерлар, токарлар, бош инженер, ишлаб чиқариш катта инженери, сифат бўлимига: сифат ва стандартлаштириш бўйича инженерлар; план бўлимига — инженер-экономист, бош бухгалтер; энергетика-механика бўлимига: катта мастер-электрик, вентиляция ва кондиционерлар бўйича инженерлар, нормаловчилар; таъминот бўлимига: оўлим бошлиғи товаршунос, экономист, молиячи; тайёрлов бичиқ участкасига: катта мастер, мастер; тикув цехига бухгалтер, тикув-участкасига: катта мастер: совғалар цехига: цех бошлиғи, бухгалтер, нормировкача; цехлараро назорат участкасига: катта мастер, смена мастерлари; қурилиш цехига: мастерлар, сметачилар; ремонт-механика ва асбобсозлик цехига: цех бошлиғи, катта мастер, слесарь-асбобсозлик ва эксперименталь-созлаш цехларининг ремонт-механика мастерлари, бухгалтерлар, омборчилар; бадиий — эксперименталь бўлимига: бўлим бошлиғи, металл ва пластмассалар бўйича катта инженер-конструктор, рассом, ёғоч, суяк ва шох бўйича технологлар; хом ашёни нормалаш группасига: группа бошлиғи, совғалар бўйича инженер-технологлар, конструктор; химик-лаборант.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ 149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1981 — 82 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ИЙГИТ-ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича юқори малакали мутахассислари тайёрланди: ПОЙАФЗАЛНИ БИЧУВЧИ (чарм пойафзалларни ишлаб чиқариш бўйича), ПОЙАФЗАЛНИНГ ЮЗА ҚИСМИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ, ЯККА БЎЮРТМАЛАР БЎЙИЧА ПОЙАФЗАЛ ТИКУВЧИ, МУИНАДУЗ-БИЧУВЧИ, РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЬ, ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА.

8 синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар учун ўқиш муддати 2 йил, ўрта маълумотлилар учун 1 йил.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби мавжуд.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига қабул қилинган ўрта маълумотлилар ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар. 8 синфни битириб кирганлар эса давлат таъминотида (кунига уч маҳал овқат ва кийимбош) бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 процентн берилади.

Билим юртида бичиш ва тикиш, тўқиш, вокаль-чолғу, кинофото тўгараклари ҳамда спорт секциялари ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, соғлиғи тўғрисидаги справка, турар жойидан справка, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 3 х 4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Доморобод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй (16-троллейбус, 123-автобуснинг «Доморобод», метронинг «Собир Раҳимов-станцияси).

Телефон 76-77-45.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»). —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши— 32-53-66; саноат—32-53-83; қурилиш— 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10, адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар —33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари—33-90-50.

2 АПРЕЛЬ, 1981 й. Р — 02884. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64581. В — 2286.